## ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЕТАКЧИ КУЧИ

***Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг жозибадорлиги, бозор иқтисодиёти талабларига тезда мослашувчанлиги ва айни пайтда кўплаб янги иш ўринлари очиш имкони мавжудлиги билан ажралиб туради. Шу боис мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан ушбу бўғинни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.***

3 бет

## ПЕНСИЯГА ЧИҚАЙ ДЕСАМ...

***Мен 1959 йилда туғилганман. Маълумотим олий. Касбим ўқитувчи. Иш стажим 34 йил. 1976 йилдан 2000 йилгача мактабда турли лавозимларда ишладим. Методист лавозимида ишлаган даврларимда ҳам мактабда ўн икки соатдан дарс бериб келганман. 2000 йилдан ҳозирга қадар мактабда ўқитувчилик қилиб келаяпман.***

5 бет


# Huquq

Mustaqillik huquq demakdir

O`ZBEKISTON RESPUBLIKASI BOSH PROKURATURASINING NASHRI

1997-yil 27-avgustdan chiqa boshlagan www.huquq-gazeta.uz 2010-yil 2-dekabr, №48 (725)


Парламентда

***Жорий йилнинг 12 ноябрида Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги "Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси" мавзусидаги маърузаси сиёсатчилар ва кенг жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди.***




# Устувор вазифалар муҳокама қилинди

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 30 ноябрь куни бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида мазкур маърузада тилга олинган устувор вазифалар муҳокама қилинди. Мажлисни Қонунчилик палатаси Спикери Д.Тошмуҳамедова олиб борди.

Муҳокама чоғида барча сиёсий партиялар фракциялари ва Ўзбекистон Экологик ҳаракатидан сайланган депутатлар гуруҳи вакиллари сўзга чиқдилар. Давлатимиз раҳбари мамлакат ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий тараққиётининг янги босқичини ҳисобга олган ҳолда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг кенг миқёсли, чуқур асослантирилган дастурини илгари сурганлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Ўтган мустақиллик йиллари давомида Ўзбекистон босиб ўтган йўл Президентимиз томонидан холисона таҳлил этилди. Ёш суверен давлатнинг ўтган йилларда эришган ютуқлари мамлакатни тадрижий, босқичма-босқич ривожлантириш борасида танланган йўл тўғри эканлиги ва бундан буён ҳам шу йўлни давом эттириш зарурлигининг ишончли далилидир.

Муҳокама иштирокчилари мамлакатимизда биринчи марта янги, демократик принципларга жавоб берувчи тартиб, яъни Ўзбекистон Республикаси Бош Вазири номзоди Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бўлиб ўтган сайловларда энг кўп депутатлик ўринларини қўлга киритган сиёсий партия ёки тенг депутатлик ўринларини олган бир нечта сиёсий партиялар томонидан таклиф этилишига доир тартиб жорий этилаётганини таъкидладилар.

Олий Мажлисга Бош Вазирга ишончсизлик вотумини билдириш ҳуқуқи берилиши ҳокимиятнинг олий органлари тизимидаги муҳим янгиликлардан бири бўлиб, бунда Вазирлар Маҳкамасининг бутун таркиби ҳам истеъфога чиқади. Мазкур чора-тадбирлар муҳим давлат масалаларини ҳал этишда сиёсий партиялар фракциялари ва парламентнинг ролини сезиларли даражада оширади.

Қонунчилик палатаси депутатларининг фикрича, демократик янгиланишларни янада чуқурлаштиришнинг давлатимиз бошлиғи томонидан шакллантирилган олтита энг муҳим тамойили мамлакатни ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий жиҳатдан бардавом ривожлантиришда, халқ фаровонлигини оғишмай ошириб боришда, инсоннинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қўйилган мақсадларга муваффақиятли эришиш учун барча давлат ва жамоат ташкилотларининг, мамлакат фуқароларининг юксак даражадаги фаоллиги ва масъулиятлилиги талаб этилади.

Сўзга чиққанлар парламент назоратининг депутатлик сўрови, жойлардаги ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ишларнинг аҳволига доир ҳолат бўйича ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарлари ҳисоботларини тинглаш каби шаклларидан янада самарали фойдаланиш зарурлиги борасида ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар. Округларда сайловчилар билан иш олиб бориш, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маърузаси, қабул қилинган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳиятини барча фуқароларга етказиш, қонун ижодкорлиги фаолиятида сайловчиларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳисобга олиш зарурлиги ҳам уқтириб ўтилди.

Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси муҳокамаси чоғида депутатлар давлатимиз раҳбарининг қонунчилик ташаббусларини амалда рўёбга чиқаришга, янги шароитларда парламент фаолиятини янада яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуини ишлаб чиқишни таклиф этдилар. Бунда қўмита ва фракциялар ишининг янги шакллари ва усулларини излаб топиш, Қонунчилик палатаси депутатларининг бошқа ҳуқуқ субъектлари билан самарали ҳамкорлигига, қонунчилик техникасини такомиллаштиришга, қонун ижодкорлиги борасида илғор чет эл тажрибасини ўрганишга алоҳида эътибор қаратилди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг маърузасига бағишланган муҳокама якунлари бўйича тегишли қарор қабул қилди.

**Ўз мухбиримиз**

Бош прокуратурада

# Мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши

***2010 йил 26 ноябрда Бош прокуратурада республика ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлари мувофиқлаштирувчи кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.***

Унда ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларни профилактика қилиш, жиноят ишларини юритишда қонунийликни таъминлаш ҳамда жиноятчиликка қарши курашувчи органларнинг бошқа фаолият йўналишлари билан боғлиқ қатор масалалар муҳокама қилинди.

Хусусан, мувофиқлаштирувчи кенгашда жиноятчиликка қарши курашиш бўйича профилактика ишларининг аҳволи кўриб чиқилди.

Муҳокамада жиноятчиликка қарши курашиш ва унинг олдини олишда профилактика хизматининг роли алоҳида аҳамиятга эга эканлиги, ушбу органлар фаолияти самарадорлигини ошириш борасида муайян ишлар амалга оширилганлиги таъкидланди.

Шунга қарамасдан, жиноятларнинг айрим турларини камайтириш борасида кўрилган чоралар етарли самара бермаганлиги, жиноят содир қилишга мойил, муқаддам судланган ва маъмурий назорат тўғрисидаги қонун таъсири доирасига тушувчи шахслар билан профилактика ишларини олиб боришда айрим камчиликлар мавжудлиги танқид остига олиниб, улар томонидан қайта жиноят содир этилиши ҳолларига йўл қўймасликнинг қатъий чораларини кўриш лозимлиги кўрсатиб ўтилди.

Бундан ташқари, йиғилишда жиноят ишлари юзасидан терговни тўхтатиш ва тугатиш тўғрисидаги қарорларнинг қонунийлигини, бундай қарорлар қабул қилишда тезкор-тергов тадбирларининг тўлиқ ўтказилишини таъминлаш масалалари, оғир ва ўта оғир жиноят содир этиб, тергов ва суддан яширинган шахсларга нисбатан эҳтиёт чоралари қўлланилиши амалиёти ҳамда бу борадаги прокурор назорати аҳволи кўриб чиқилди.

Муҳокама давомида жиноятларни фош этиш чоғида тезкор-қидирув имкониятларидан фойдаланишнинг самарадорлигини ошириш, терговнинг тўлиқ ва ҳар томонлама олиб борилишини таъминлаш йўллари белгиланиб, иш юритишни асоссиз тўхтатиш ва тугатиш ҳолатлари танқид қилинди, процессуал мажбурлов чораларини қўллашда қонунларга оғишмай риоя қилиш ҳамда жиноят оқибатида етказилган зарарнинг тўлиқ ундирилишини таъминлаш чораларини кўриш бўйича аниқ талаблар қўйилди.

Шу билан бирга, йиғилишда Ўзбекистон Республикасининг ёнғин хавфсизлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ижроси бўйича ўтказилган текшириш натижалари муҳокама қилинди.

Кенгаш аъзолари томонидан Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Давлат ёнғин хавфсизлиги хизмати бу соҳада қонунларни ижро этиш борасида қатор ишларни амалга ошириш билан бирга, фаолиятида хато ва камчиликлар мавжудлиги таъкидланди ҳамда мазкур йўналишда идоравий ва прокурор назоратини кучайтириш зарурлиги кўрсатилиб, аниқланган қонун бузилишларига келгусида йўл қўймаслик учун тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Кун тартибидаги масалаларни кўриб чиқишда тегишли органларнинг мазкур соҳалар учун масъул раҳбарларининг тушунтиришлари эшитилди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш якунида мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва муҳокама қилинган соҳаларда фаолият самарадорлигини оширишга қаратилган қарорлар қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси**
**Бош прокуратурасининг Матбуот хизмати**


**Обуна – 2011**

## Ҳурматли юртдошлар!

*2011 йилда ҳам*
*__"HUQUQ"__ газетаси Сизнинг*
*энг яқин ҳамкорингиз*
*бўлиб қолади.*
*Газетамизга барча*
*почта бўлимларида*
*обуна бўлишингиз мумкин.*




**ОБУНА БЎЛИШГА КЕЧ ҚОЛМАНГ!**

*НАШР ИНДЕКСИ — 231*

# Қонун устуворлиги йўлида

**Норимжон ЖУМАНИЁЗОВ,**
СВОЖЖДЛҚК Департаментнинг Хоразм вилоят бошқармаси бошлиғи ўринбосари

***Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг самарали бўлиши, аввало уларнинг қонун доирасида фаолият юритишига боғлиқ бўлади. Сабаби амалдаги қонунларда улар учун зарур ҳуқуқ ва имтиёзлар белгилаб қўйилган. Қолаверса, даромадга яраша солиқ тўловларини тўлаш, ўз бизнесини очиқ-ошкора олиб бориш, бир сўз билан айтганда, эл корига яраш йўлида хизмат қилиш ҳар бир фуқаронинг муқаддас бурчига айланиши лозим.***

Жорий йилнинг ўтган 10 ойи давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг долзарб масалаларига оид Фармонлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, Бош прокурор ва Бош прокуратура ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти бошлиғининг тегишли буйруқ ҳамда кўрсатмалари ижросини таъминлаш борасида Хоразм вилоятида ҳам муайян ишлар амалга оширилди.

Ҳисобот даврида солиқ ва валютага оид 230 та жиноят ва 83 та маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид ишлар қўзғатилди. Аниқланган ҳуқуқбузарликлар юзасидан давлат бюджетига 8721,9 млн. сўм қўшимча солиқ ва молиявий жарималар ҳисобланди. Шунингдек, ҳуқуқбузарлардан ашёвий далил сифатида 225,7 млн. сўмлик ноқонуний муомалага киритилган товар ва моддий бойликлар олинди.

Вазирлар Маҳкамасининг "Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини янада қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш борасида олиб борилган ишлар натижасида 9742,1 млн. сўмлик ноқонуний нақд пул айланмалари аниқланиб, 49 та жиноят ва 2 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар қўзғатилди.

Департаментнинг Урганч шаҳар бўлими ходимлари томонидан "Урганч идеал сифат қурилиш" МЧЖ раҳбари О.Қурбонов ва бош ҳисобчиси Р.Қурбанбаевларнинг солиқ ва мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаб, савдо ҳамда хизмат кўрсатиш қоидаларини бузган ҳолда фаолият кўрсатиб келаётганликлари аниқланди. Улар ўтган йили 179 млн. сўмлик қурилиш-монтаж ишларини бажариб, 14,3 млн сўмлик ягона солиқ ҳисобланишини билсаларда, тўлаш имконияти бўлгани ҳолда жамият фаолияти юзасидан ҳисоботларни ўз вақтида топширмаслик йўли билан солиқларни тўлашдан бўйин товлаганлар. Савдодан тушган 75,3 млн. сўмлик нақд пулларни банкка топширмасдан қонун талабларини бузганлар. Ушбу ҳолат юзасидан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди.

Ҳазорасп туманидаги "Тошсақасувқурилиш" ОАЖда ўтказилган таҳлилий ўрганишда жамият раҳбари Қ.Давлетов 107,3 млн. сўмлик дебитор қарзларни муддатида ундириш чораларини кўрмагани маълум бўлди. Шунингдек, бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўланиши лозим бўлган 100 млн. сўмдан зиёд солиқларни тўлашдан бўйин товлаб, жамият балансида бўлган мол-мулкларни жамият қошида ташкил этилган "Жанубсувқурилиш" ва "Соқасувқурилиш" унитар корхоналари ҳисобига ўтказган ҳамда кейинчалик ушбу жамият фаолиятини тўхтатган. Ўзи эса, янги ташкил этилган "Жанубсувқурилиш" унитар корхонаси раҳбари лавозимида фаолиятини давом эттирган.

Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларнинг ўз вақтида ўтказилиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг "Иш ҳақини ўз вақтида тўланиши учун вазирликлар, идоралар ва хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари жавобгарлигини ошириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори талабларини қўпол равишда бузиб, 2008 йил 1 январь ҳолатига кўра ва ташкилотлардан бажарилган хизматлар учун ундирилиши лозим бўлган 107,3 млн. сўмлик дебитор қарзларни ундириш чораларини кўрмасдан, тўлов муддати ўтказиб юборилишига йўл қўйган. Шунингдек, 700 млн. сўмлик кредитор қарзларнинг юзага келишига сабабчи бўлиб, жамият ишчи-хизматчиларининг 2006-2009 йиллардаги 17,8 млн. сўмлик иш ҳақларини ўз вақтида бермасдан, Меҳнат кодексининг 154, 161-моддаси талабларини қўпол равишда бузган. Ушбу ҳолатлар юзасидан Қ.Давлетовга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди.

Яширин иқтисодиётга қарши кураш борасида олиб борилган тезкор таҳлилий ва қидирув ишлари натижасида 35 та ҳолатда ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, натижасига кўра 25 та жиноят ҳамда 10 та маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар қўзғатилди. Ҳуқуқбузарлардан 41,8 млн. сўмлик ноқонуний ишлаб чиқарилган ва муомалага киритилган маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олиб қўйилди.

Департаментнинг Ҳазорасп туман бўлими ҳамда туман ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда ўтказилган тадбирда қонунга хилоф равишда яширин цех ташкил қилиб, қимматбаҳо металлар сирасига кирмайдиган рангли металлар, уларнинг парча ва резги чиқиндиларини тайёрлаш, улардан фойдаланиш ва ўтказиш қоидаларини бузиб, даромад олаётган фуқаро Д.Жумабаева ўзи яшайдиган уйининг ёрдамчи хонасида ташкил қилинган цехда эритиб, 15 литр сиғимли 217 дона 5642 минг сўмлик қозон ишлаб чиқарганлиги аниқланди. Ушбу қозонлар ва ишлаб чиқаришда фойдаланиб келинган 2 та қолип ашёвий далил сифатида ҳужжатлаштирилди.

Вилоят синов ва сертификатлаштириш марказининг хулосасига кўра, ушбу қозонлар давлат стандарти талабларига жавоб бермаслиги аниқланди.

Бу ҳолат юзасидан ҳуқуқбузар суд ҳукми билан жиноий жавобгарликка тортилди.

Солиқ, валютага оид жиноятларга қарши курашиш, яширин иқтисодиётга барҳам бериш, уларнинг сабаб ва шарт-шароитларини ўрганиш, тезкор таҳлил қилиш борасидаги фаолият давом эттирилмоқда.

# Ер — миллий бойлик

**Дилшодбек ПАРПИЕВ,**
Андижон вилоят прокуратураси бўлим катта прокурори

***Жорий йилнинг ноябрь ойида вилоят ҳокимлигида ер соҳасидаги муносабатларни тартибга солишга қаратилган қонунчилик ижроси юзасидан вилоят, туман, қишлоқ ва сув хўжалиги бўлими, ер ресурслари ва кадастр хизмати идораси раҳбарлари, ирригация тармоқлари, банк, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар раҳбарлари иштирокида кенгайтирилган йиғилиш бўлиб ўтди.***

Йиғилишни вилоят ҳокими А.Усмонов кириш сўзи билан очиб, вилоятда ер соҳасида вужудга келган муаммолар ва уларни бартараф этиш юзасидан таклиф ва мулоҳазаларини билдирди. Ерлардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этишда қонунларга риоя этилиши устидан прокурорлик назорати аҳволи юзасидан маъруза қилган вилоят прокурори Б.Деҳқонов, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасига кўра, Ер, ерости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойлик бўлиб, улардан оқилона фойдаланиш зарурлиги ва улар давлат муҳофазасида эканлигини, шунингдек, Ер кодексининг талабларига мувофиқ ер ҳадя этилмаслиги, олди-сотди қилинмаслиги, гаровга ҳам қўйилмаслиги каби ҳолатларга алоҳида тўхталиб ўтди.

Маълумки, ер соҳасидаги амалий ишлар ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати органлари ходимлари томонидан ижро этилади. Ўзбекистон Республикасининг Давлат ер кадастри тўғрисидаги 1998 йил 28 августдаги қонунига мувофиқ Давлат ер кадастри давлат кадастрлари ягона тизимининг асосий таркибий қисми ҳисобланиб, у ерларнинг табиий, хўжалик, ҳуқуқий режими, тоифалари, сифат хусусиятлари ва қиммати, ер участкаларининг ўрни ва ўлчамлари, уларнинг эгалари, ердан фойдаланувчилар, ижарачилар ва мулкдорлар ўртасидаги тақсимотига оид маълумотлар ҳамда ҳужжатлар тизимидан иборатдир.

Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари давлат эҳтиёжлари учун етиштириб бериладиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари юзасидан тузиладиган контрактация шартномаларини мувофиқлаштириб боришлари ҳам қонунда кўрсатиб қўйилган.

Шулардан ҳам кўриниб турибдики, ер соҳасидаги муносабатларни тартибга солиш қонуний бўлиши шарт. Бироқ, вилоятда бу соҳада ҳамон айрим қонунбузарликлар учраб турибди.

Асака туманида тузилган туман комиссияси аъзолари ҳосилдорлиги паст бўлган ерларда пахта етиштирган фермер хўжаликларини қўллаб-қувватлаш учун бюджетдан ажратилган 204,1 млн. сўм маблағларни қарор талабларига зид равишда ўртача балл бонитети 60 баллдан юқори бўлган 16 та фермер хўжаликларининг балл бонитетини паст қилиб кўрсатиб, уларга 24,3 млн. сўмлик маблағларни ўтказиб юбориб, растрата қилиш йўли билан талон-торож қилганлар.

2010 йил 17 март куни комиссия аъзоларига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, туман ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати бошлиғи Ўралов Шерзод ЖКнинг 167-моддаси 3-қисми "а" банди, 209-моддаси 2-қисми "а" банди билан айбланган. Ш.Ўраловга суднинг 2010 йил 28 август кунги ҳукми асосида тегишли жазо тайинланган.

Асака туманидаги F.Ёқубов массивининг собиқ ер тузувчиси М.Отахонов, собиқ "Солиполвон", "Ойбек умидлари", "Мирзаобод иқболи" каби фермер хўжаликлари раҳбарлари билан тил бириктириб, 16 нафар фуқарога хўжаликнинг ер майдонларидан якка тартибда уй-жой қуриш учун ер ажратиб бериш эвазига 1150 АҚШ доллари ва 4222 минг сўм пул олишган бўлса, "Субҳидам гулшани" фермер хўжалиги раҳбари А.Мадаминов 8 нафар фуқарога айнан шундай мақсадда 12000 АҚШ доллари ундириб, уларга экин майдонларини ажратиб беришган. Суднинг ҳукми билан айбдорларга жазо муқаррарлиги таъминланган.

Шунингдек, Жалақудуқ туман ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати бошлиғи Ш.Мирзаев жорий йилнинг 28 апрелида жиноий шериги Ш.Исақов билан бирга М.Эргашевдан 5 млн. сўм пул талаб қилиб, 1000 АҚШ долларини олган пайтда ушланишган. Ушбу ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, жазонинг муқаррарлиги таъминланган.

Юқоридаги қонунбузарликлар Олтинкўл, Андижон, Балиқчи, Избоскан, Пахтаобод, Улуғнор, Шаҳрихон туман ер ресурслари ва давлат кадастри хизмати ходимлари фаолиятида ҳам йўл қўйилиб, улар балл бонитетлари бўйича қонун талабларига риоя этмаганликлари учун жиноий жавобгарликка тортилганлар.

Кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан йиғилиш тегишли қарор қабул қилди.

# Долзарб мавзуга бағишланди

Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссиясининг ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари томонидан "Одам савдосига қарши курашиш комиссияларининг ишини ташкил этиш" мавзусида 2010 йилнинг 22 ноябридан 27 ноябрига қадар ўқув машғулотлари ташкил қилинди. Ўқув машғулотларида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳудудий идоралараро комиссияларининг масъул котиблари иштирок этди.

Ўқув жараёнида масъул котибларнинг ҳуқуқий билимларини ошириш мақсадида Республика Идоралараро комиссия таркибига кирувчи вазирлик ва идораларининг малакали мутахассислари иштирокида Ўзбекистон Республикасининг 2008 йил 17 апрелдаги "Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 8 июлдаги "Одам савдосига қарши курашиш борасидаги ишларни самарадорлигини ошириш тўғрисида"ги 911-сонли Қарори талаблари ижросини таъминлаш бўйича машғулотлар ташкил қилинди.

Шу билан бир қаторда, масъул котиблар Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 5 ноябрдаги 240-сонли қарори билан ташкил қилинган "Одам савдоси жабрдийдаларига ёрдам бериш ва уларни ҳимоя қилиш бўйича республика реабилитация маркази" фаолияти билан таништирилиб, марказ ходимлари иштирокида семинар машғулоти ташкил қилинди. Бундан ташқари, "Истиқболли авлод" ёшлар ахборот маркази билан ўзаро ҳамкорликда "Одам савдосига қарши курашишнинг долзарб муаммолари" мавзусида илмий-амалий семинар ўтказилди. Шунингдек, масъул котиблар одам савдосига қарши курашиш фаолияти билан танишиш ва услубий тажриба алмашиш мақсадида Тошкент шаҳри ва унинг туманларида бўлдилар.

Машғулотлар жараёнида тингловчиларга Одам савдосига қарши курашиш бўйича Республика Идоралараро комиссияси ташаббуси билан одам савдосига қарши курашишни тарғиб қилувчи Ўзбек Миллий академик драма театрида саҳналаштирилган "Тортадурман жабрини" номли спектакли ва "Ўзбеккино" Миллий агентлиги томонидан суратга олинган "Уқубат" номли бадиий фильмлари намойиш қилиндилар.

Машғулотлар якунида масъул котибларга сертификатлар топширилди.

**Ўз мухбиримиз**




8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

# Тараққиётнинг етакчи кучи

**Рустам ҲАЙИТОВ,**
Қашқадарё вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

"Тадбиркор", "Мулкдор" тушунчалари ҳаётимизга истиқлол шарофати туфайли кенгроқ кириб келди, десак асло муболаға қилмаган бўламиз. Нега деганда мамлакатимизда мустақиллик йиллари Президентимизнинг ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида тадбиркорлик ҳаракати ривожлантирилиб, мулкдорлар синфи шаклланди, кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектлари пайдо бўлди. Мазкур тизимга қаратилаётган алоҳида эътибор, яратилаётган қулай шарт-шароитлар, энг асосийси, давлатимиз томонидан берилаётган имтиёзлар туфайли улар ўтган қисқа давр ичида иқтисодиётимизда етакчи кучга айланди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг жозибадорлиги, бозор иқтисодиёти талабларига тезда мослашувчанлиги ва айни пайтда кўплаб янги иш ўринлари очиш имкони мавжудлиги билан ажралиб туради. Шу боис мамлакатимизда мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан ушбу бўғинни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Тадбиркорлик давлатимиз томонидан ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётганлиги натижасида ички бозор ўзимизда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар билан тобора бойиб бормоқда.

Президентимиз Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2005 йил 28 январда бўлиб ўтган қўшма йиғилишидаги маърузасида "...мамлакатимиз келажагини белгилаб берадиган бу тоифа вакилларига шундай ҳуқуқий замин, имтиёз ва кафолатлар яратиш керакки, улар ўзи, ўз оиласи, бутун мамлакат иқтисодиётининг равнақи йўлида эмин-эркин ва аниқ мақсад билан меҳнат қила олсинлар", дея таъкидлаган эдилар. Дарҳақиқат, тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий кафолати Конституциямизда мустаҳкамланган.

Халқаро экспертларнинг таҳлилларига қараганда, Ўзбекистонда кичик бизнес тараққий этиб бораётгани туфайли жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг таъсири сезилмаяпти. Аксинча, айни пайтда дунёнинг кўплаб давлатларида ҳукм сураётган мураккаб шароитга қарамай, бизда янги иш ўринлари яратилиб, аҳолининг бандлик даражаси ошмоқда. Бунда табиийки, кичик бизнеснинг улуши салмоқли бўлаётир. Вилоятда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўйича янги иш ўринларини яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 2009 йилнинг 10 ойида 31733 та янги иш ўрни яратилган бўлса, шулардан 12566 таси фермер хўжаликларини ривожлантириш ҳисобига амалга оширилган. Жорий йилнинг ўтган 10 ойида эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобига 41529 та янги иш ўрни яратилиб, шулардан 11565 та иш ўрни фермер хўжаликларини ривожлантириш эвазига яратилди. Конституция - кучли фуқаролик жамияти асосини белгилайдиган ҳамда тарих зарварақларидан ўрин олган ҳуқуқий ҳужжат бўлиши билан бир қаторда янги Ўзбекистон давлатининг ўзига хос тузугидир. Соҳибқирон Амир Темурнинг "Азми қатъий, шижоатли, тадбиркор бир инсон тадбирсиз, лоқайд минг-минглаб кишилардан яхшироқдир", деган гапи бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган. Асл илдизи мозийга бориб тақалувчи тадбиркорлик руҳини қарор топтирмасдан жамиятнинг иқтисодий негизларини барпо этиш мушкул масала.

Мамлакатимизда фермерликни ривожлантиришга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Ўзбекистон Республикасининг "Фермер хўжаликлари тўғрисида"ги Қонунида фермер хўжаликларини давлат йўли билан ва бошқа тарзда қўллаб-қувватлашнинг турли усуллари кўрсатилган. Бу амалда ўз исботини топаяпти. Фермерларга давлатимиз томонидан талай қулайликлар, имтиёзлар яратиб берилаяпти: Фермер лизингга техника сотиб олиши, биринчи иш бошлаганида маълум вақтгача солиқлардан озод этилиши ва бошқа имтиёзлар янги ташкил этилган хўжаликнинг иқтисодий аҳволини яхшилаб олишга имкон беради.

Конституциянинг 111-моддасида: "Мулкчиликнинг турли шаклларига асосланган корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ўртасидаги, шунингдек тадбиркорлар ўртасидаги, иқтисодиёт соҳасида ва уни бошқариш жараёнида вужудга келадиган хўжалик низоларини ҳал этиш Олий хўжалик суди ва хўжалик судлари томонидан уларнинг ваколатлари доирасида амалга оширилади", дейилган бўлса, унинг 114-моддасида: "Суд ҳокимияти чиқарган ҳужжатлар барча давлат органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар учун мажбурийдир", деб белгилаб қўйилган.

Бозор иқтисодиёти шароитида ишни тўғри ташкил қила олган, қишлоқ хўжалиги соҳасида ўтказилаётган ислоҳотлар моҳиятини чуқур тушуниб етган тадбиркор, ишбилармон деҳқонгина бу ишни уддалаши, мавжуд қийинчиликларни енгиб ўтиши мумкин.

Мамлакатимизда мулкдор бўлишга имконият яратилгани, мулкдорлар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши давлат томонидан кафолатланганлигидан тадбиркор ва фермерларнинг кўнгиллари тўқ. Келажакка ишонч билан дадил ҳаракат қилишаяпти. Чунки бугун Президентимиз раҳнамолигида ўзбек халқи нималарга қодирлигини жаҳонга кўрсата олди. Эндиликда иқтисодиётимизнинг гуркираб ривожланаётганини кўрган, бу ерда яратиб берилаётган шарт-шароитлардан бохабар чет эллик инвесторлар ўз сармоясини Ўзбекистонга киритишга ошиқмоқдалар. Шундай экан, ҳаётимиздаги улуғ ўзгаришлар сабабчиси - Истиқлолимизнинг қадрига етишимиз, у берган имкониятлардан оқилона фойдаланиш ҳар биримизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Юртимиз равнақига ҳисса қўшиш, халқимиз дастурхонини тўкин-сочин қилиш, бозорларимизни арзон ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш каби хайрли ишларни сусайтирмаслигимиз даркор. Зеро, тадбиркорлик фаолиятининг конституциявий кафолатлари уларнинг эркинлигини таъминлаш ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишнинг муҳим омили бўлиб ҳисобланади.

# Изчил ислоҳотлар асоси

**Шуҳрат ҲУСАИНОВ,**
Ўзбекистон Республикаси
Бош прокуратураси ҳузуридаги
СВОЖДЛҚК Департаменти бўлим бошлиғи

***Дунёдаги ривожланган демократик давлатларда ҳеч бир шахс, ҳеч бир фуқаро ўз ижтимоий-шахсий ҳаётини, ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишни Конституциясиз тасаввур қила олмайди. Чунки ҳар бир шахс кундалик ҳаётида Конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларига бевосита мурожаат қилади ҳамда ушбу Асосий Қонунга ўзининг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаб берувчи олий юридик ҳужжат сифатида қарайди. Шунинг учун ҳам демократик жамиятда яшаётган ҳар бир шахс Конституциянинг мазмун-моҳиятини чуқур англаб олиши ҳамда шахсий ҳаётида учраб турадиган муаммоларнинг ечимини айнан Конституциядан топа билиши зарур.***

Конституция алоҳида тартибда қабул қилинган, жамиятда муайян ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи, олий юридик кучга эга бўлган, давлатнинг Асосий Қонуни ҳисобланади. Дунё давлатлари орасида биринчи Конституция 1787 йил АҚШда қабул қилинган бўлиб, Европада эса биринчи бўлиб 1791 йили Польша ўз Конституциясини қабул қилган. 1992 йил 8 декабрда Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг XII чақириқ XI сессиясида қабул қилинган Конституциямиз эса мустақил Ўзбекистон демократик суверен давлатининг биринчи Конституцияси ҳисобланади. Мустақил давлат омилларидан келиб чиқиб яратилганлиги Конституциямизнинг ўзига хос хусусияти деб баҳоланади. У 1-моддасидан тортиб, охирги 128-моддасигача мустақиллик ғояси билан суғорилган.

Конституциянинг мазмун-моҳиятига биринчи навбатда инсон ҳуқуқи олий қадрият эканлиги сингдирилган. Яъни, Конституциямизда "инсон-жамият-давлат" ўртасидаги муносабатларда биринчи ўринда инсон омили туради.

Ўтган давр мобайнида, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси асосида мамлакатимизда давлат ва жамият қурилиши соҳасида парламент шакллантирилди, Президентнинг айрим ваколатлари Сенатга ўтди, сайлов тизимида муҳим ўзгаришлар рўй берди. Президентнинг ваколат муддати узайтирилди, ўлим жазоси бекор қилинди, эхтиёт чораси сифатида қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди ва бошқалар. Мазкур изчил ислоҳотларга сўзсиз Ўзбекистон Республикаси Конституцияси бош ҳуқуқий манба бўлиб хизмат қилмоқда.

Шу ўринда мамлакатда илк бор икки палатали парламентга бўлиб ўтган сайловлар мустақил демократик давлат ҳаётида ўзига хос ўрин тутди ҳамда асосий ғоя, мақсад бўлган демократик давлат ва фуқаролик жамиятини қуриш сари навбатдаги муҳим аҳамиятга молик бўлган қадам бўлди, десак адашмаган бўламиз. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелда қабул қилинган "Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида"ги Конституциявий Қонуни ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида"ги Қонуни ҳам мамлакатимизда давлат бошқарувини янада демократлаштиришда, сиёсий партиялар ролини оширишда, энг муҳими, ижро ҳокимияти ва қонун чиқарувчи ҳокимият ўртасидаги ўзаро муносабатларда изчил ҳуқуқий ислоҳотларни таъминлашда муҳим аҳамият касб этмоқда.

2008 йил 25 декабрда қабул қилинган "Сайлов тўғрисидаги қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонун мамлакатимизнинг сайлов қонунчилигини изчил эркинлаштириш ва демократлаштириш йўлида яна бир муҳим қадам бўлди.

Мазкур қонунда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасига, "Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги, "Сиёсий партиялар тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатининг ва Сенати аъзосининг мақоми тўғрисида"ги, "Халқ депутатлари маҳаллий Кенгаши депутатини, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатини ва Сенати аъзосини чақириб олиш тўғрисида"ги Қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш кўзда тутилди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 77-моддасига, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонунининг 1-моддасига, "Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги Конституциявий Қонуннинг 5-моддасига, Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги Конституциявий Қонунининг 2-моддасига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида депутатлик ўринлари сонини 120 тадан 150 тага кўпайтиришни назарда тутувчи ўзгартишлар киритилди. Бунда 135 депутат ҳудудий сайлов округлари бўйича кўппартиявийлик асосида сайланадиган бўлди. Ўн беш депутат эса Ўзбекистон экологик ҳаракати томонидан кўрсатилиши белгиланди.

Шу билан бирга, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 20-моддасига киритилган ўзгартишларга асосан сайловда иштирок этиш ниятида бўлган партияни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан рўйхатга олишнинг аввал белгиланган муддати қисқартирилди. Хусусан, аввал ушбу муддат 6 ой қилиб белгиланган бўлса, эндиликда бу муддат кўпи билан 4 ойни ташкил этади. Шунингдек, муқаддам сиёсий партиялар сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлиш учун 50 минг нафар сайловчининг имзосини тўплаши лозим бўлган бўлса, энди бу миқдор 40 минг нафарга туширилди.

Шунингдек, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонуннинг 28-моддасида назарда тутилган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қонунчилик палатаси депутатлигига номзодларнинг ишончли вакиллари сони аввалги 5 нафар ўрнига 10 нафаргача кўпайтирилди. Ушбу қоида ўз навбатида сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодларга ўз сайловолди кампанияларини сайловчиларнинг янада кенгроқ доирасини қамраб олган ҳолда фаол ўтказиш имконини беради.

Хусусан, охирги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ҳамда маҳаллий вакиллик органларига ўтказилган сайловларда фуқароларимизнинг фаоллиги, сиёсий партиялар ўртасидаги эркин рақобат сайлов жараёнида яққол акс этди. Мамлакатимизда 2009 йил 27 декабрда ўтказилган овоз бериш жараёнида фуқароларимиз фаол иштирок этдилар. Бу эса мамлакатимизда олиб борилаётган изчил демократик ислоҳотлар натижасида сайлов қонунчилигимизнинг халқаро стандартларга тўла мос келишидан далолат беради.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ҳар томонлама мукаммал, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатловчи Асосий Қонун бўлиб ҳисобланади. Шу боис ҳам Конституцияни барча фуқароларимиз, ёшидан қатъи назар ўрганишлари лозим. Чунки ҳар бир фуқаро ўзининг кундалик ҳаётида Конституцияда белгилаб қўйилган ҳуқуқ ва эркинликларидан бевосита фойдаланади.

## 2010 йил — Баркамол авлод йили

# Боланинг бегонаси бўлмайди

Бўлтак УСМОНОВ,
Нарпай туман прокурори

Фарзандларнинг тарбияси ҳамда юриш-туришига бўлган арзимас эътиборсизлик ҳам вақти келиб катта кўнгилсизликларни келтириб чиқариши мумкинлигини билганимиз ҳолда, кўпинча бунга амал қилмаймиз. Бунинг натижасида беихтиёр ана шундай ачинарли ҳолатларнинг гувоҳига айланмоқдамиз. Айрим ота-оналар фарзандларининг кечаси қаерга бораётгани, кимлар билан мулоқотда бўлаётгани, юриш-туриш-ю хулқ-атворини назорат қилмаслиги оқибатида бундай "эркин"ликлар вояга етмаганлар ўртасида турли ҳуқуқбузарликларнинг содир этилишига сабаб бўлмоқда.

Шу йилнинг 17 май куни "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий Жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши бу борадаги ишлар кўламини бирмунча кенгайтирди.

Мазкур қонунга асосан кодекс 188²-модда билан тўлдирилиб, ресторанлар, кафелар, барлар, кино заллари, интернет тармоғидан фойдаланиш хизматларини кўрсатиш учун жиҳозланган ёки бошқа кўнгилочар (дам олиш) жойларининг раҳбарлари ёхуд масъул бошқа шахсларнинг масъулияти оширилди. Бундан буён вояга етмаган ўсмирнинг тунги вақтда ота-онасидан бири ёки уларнинг ўрнини босувчи шахснинг кузатувисиз юқорида номлари тилга олинган муассасаларда бўлишига йўл қўйилса, ўша муассаса етакчиларига энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорида жарима жазоси қўлланилади.

Унутмаслик керакки, Меҳнат кодексининг 122-моддасига мувофиқ, соат 22:00 дан 6:00 гача бўлган оралиқдаги вақт тунги вақт ҳисобланади. Демак, аҳолининг ушбу дам олиш вақтида ҳар хил кўнгилсизликларнинг, айниқса, ёшларнинг бемаҳалда кўча-кўйда бекор юришлари, турли номақбул ишлар билан шуғулланишларининг олдини олиш кенг жамоатчиликнинг асосий вазифасига айланмоғи лозим.

Эътиборсизлик оқибатлари ҳақида бежиз сўз очмадик. Сардор Ибодуллаев ва Мурод Туроповлар эндигина катта ҳаёт остонасига қадам қўйиш арафасида. Оқтош шаҳридаги "Висол" тўйхонасида бўлаётган никоҳ тўйида иштирок этаётган йигитлар рақсга тушаётиб, ўзаро тўқнашиб кетишади. Ўртада жанжал бошланиб, улар тўйхона ташқарисида орани очиқ қилмоқчи бўладилар. Атрофдагилар уларни ажратиб қўйишса-да, тўйхона олдидан ўтиб кетаётган ўсмир Ғиёс Жабборов жанжалга аралашиб қолади. У Сардор билан уришиб қолиб, жаҳл устида унга тан жароҳати етказади. Натижада жабрланувчи 19 кун шифохонада даволаниб чиқади. Вояга етмаган Ғ.Жабборов ушбу қилмиши билан Жиноят кодексининг 277-моддаси 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этди.

Ушбу мисол эҳтимол кимлар учундир арзимасдек туюлиши мумкин. Балки орамизда "Хўш, нима бўпти? Бола болада, уришишган бўлса, ярашиб кетади", деган хаёлда бўлаётганлар ҳам топилар. Бироқ, шуни унутмайликки, бунинг ортида инсон тақдири ётибди. Худо кўрсатмасин, агар жабрланувчи қаттиқроқ зиён кўрганида, майиб-мажруҳ бўлиб қолганида кўрилган захматнинг ўрнини қоплаб бўлармиди?!

Нафақат ота-оналар, балки кенг жамоатчилик ҳам фарзандлар тарбиясига, уларнинг юриш-туришига эътиборлироқ бўлишларини истардик. Ахир халқимизда "боланинг бегонаси бўлмайди", деган гап бор.



# Шаҳарча фарзандларининг ютуғи

Ойбек КАРИМОВ,
Андижон вилоят прокурорининг ёрдамчиси
Наргизахон ХОЛМИРЗАЕВА, журналист

Баркамол ёшлар — мамлакат таянчи, юрт келажаги, янги ҳаёт ва жамият барпо этиш йўлида олиб борилаётган изчил давлат сиёсати ўз самарасини бермоқда. Улкан илмий ва интеллектуал салоҳиятга, юксак маънавиятга эга ёшларимиз бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучига айланиб бормоқда.

"Баркамол авлод йили"да бу борадаги ишлар янада юксак босқичга кўтарилди. Президентимизнинг ташаббуси билан қабул қилинган "Баркамол авлод йили" Давлат дастури асосида соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши учун зарур шарт-шароит яратиш, эртанги кун ворисларини ҳар томонлама комил шахслар этиб вояга етказиш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда.

"Ўзбекистон маданият ва санъат форуми" жамғармаси, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракатининг "Камалак" болалар ташкилоти ҳамда Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ўтказиб келинаётган "Янги авлод-2010" республика болалар ижодиёти фестивали бунинг ёрқин ифодасидир. Мазкур танловнинг вилоят босқичида рақс йўналишида ғолиб бўлган "Болалар шаҳарчаси" қошидаги "Санъат ғунчалари" рақс тўгарагининг "Йигитлар" рақс гуруҳи аъзолари республика босқичида иштирок этиб, фестивал лауреати деган номга сазовор бўлдилар.

"Истиқлол" санъат саройида ўтказилган "Янги авлод-2010" фестивали лауреатларининг гала-концертида ҳам жамоа "Андижон полкаси" рақсини шунчалар жозиба билан ижро этдики, томошабинлар уларни анчагача олқишлаб турдилар.

— Мен ҳеч қачон бугунгидек хурсанд бўлган эмасман. Шаҳарчамиз йигитлари ўз истеъдод ва маҳоратларини республикамиздаги барча вилоятлардан келган тенгдошларига яна бир бор намойиш этдилар, — дейди "Болалар шаҳарчаси"нинг рақс тўгараги раҳбари Алишер Тожибоев. — Фестивалда иштирок этиш учун тинимсиз меҳнат қилиб, қаттиқ тайёргарлик кўрдик. Уларга нафақат санъат сирларини, балки ўзбек миллий либосларини кийиш маданиятини ҳам ўргатдик. Гуруҳимиз аъзоларидан Ф.Мирсов, Д.Даминов, Т.Лукиних, И.Раҳмонқулов, М.Турғунов ва Х.Абдураҳмоновлар эришилган ютуқдан руҳланиб, келгусида бундан ҳам юксак муваффақиятларга эришишни олдиларига мақсад қилиб қўйдилар.

"Янги авлод-2010" болалар ижодиёти фестивали лауреатларига санъат осмонида улкан парвозларга эришиш, келгусида ҳам омад ва зафарлар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

# Вояга етмаганларни ижтимоий-ҳуқуқий ҳимоя қилиш асослари

***Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида ёшлар, айниқса вояга етмаганларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, соғлом ва баркамол авлодни тарбиялаш, ёшларнинг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариш, мамлакатимиз йигит-қизларини XXI аср талабларига тўлиқ жавоб берадиган шахслар этиб вояга етказиш учун зарур шарт-шароитлар ва имкониятларни яратиш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкамлаш ва кафолатлашга қаратилган ислоҳотлар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.***

Улуғбек АБДУРАҲМОНОВ,
Миробод туман прокуратураси
иш ўрганувчиси

Ўтган йиллар давомида вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий база йилдан-йилга замон талабларига мос ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш асосида такомиллаштирилмоқда. 2010 йилнинг Президентимиз томонидан "Баркамол авлод йили" деб номланиши ҳамда мазкур йилда ёшларга оид алоҳида давлат сиёсатини таъминлаш мақсадида 2010 йил 27 январда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ""Баркамол авлод йили" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарорининг қабул қилиниши ҳам вояга етмаганларга оид ҳуқуқий базани янада такомиллаштириш билан боғлиқ чора-тадбирларни белгилаш имконини берди.

Мазкур Давлат дастури билан тегишли мутасадди ташкилотларга "Вояга етмаганлар назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарлиги профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиш ва тақдим этиш вазифаси юклатилган бўлиб, ушбу юксак аҳамиятга эга бўлган вазифа ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи асосида "Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик палатасига киритилди. Олий Мажлиснинг иккала палатаси томонидан қабул қилинган ушбу қонун 2010 йил 30 сентябрдан кучга кирди.

Қонуннинг мақсади вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

Ота-оналарнинг фарзанд тарбиясига нисбатан масъулиятини янада ошириш мақсадида қонуннинг 7-моддасида вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасида ота-она ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг иштироки атрофлича ёритиб берилди. Унга кўра, ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар болаларнинг таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажара бориб, уларнинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза қилинишини, назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикасини таъминлаш чора-тадбирларини кўриши назарда тутилди.

Шу билан бирга, ушбу қонундаги янгиликлардан бири вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тартибига оид янги нормалар белгиланганлиги ҳисобланади. Яъни қонунга кўра, вояга етмаган ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига ички ишлар органи ёки ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази бошлиғининг ёхуд унинг ўринбосарининг қарори асосида жойлаштирилиши мумкин. Бу ҳолда вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома ва уни мазкур марказга жойлаштириш заруратини тасдиқловчи материаллар вояга етмаган марказга жойлаштирилганидан кейин 48 соатдан кечиктирмасдан судга юборилади. Ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази бошлиғи ёки унинг ўринбосари вояга етмаганнинг ушбу марказга жойлаштирилганлиги тўғрисида мазкур марказ жойлашган ердаги прокурорни ва вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияни зудлик билан, яъни 24 соатдан кечиктирмасдан хабардор қилади.

Бундан ташқари, қонуннинг 27-моддасида вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида сақлаш муддатини узайтириш тўғрисидаги илтимоснома ва ушбу муддатни узайтириш заруратини тасдиқловчи материаллар ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази бошлиғи ёки унинг ўринбосари томонидан мазкур марказ жойлашган ердаги жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судига вояга етмаганни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказида сақлашнинг муддати тугашидан камида уч кун олдин юборилиши билан боғлиқ муддатлар аниқ кўрсатиб ўтилди.

Бу эса вояга етмаган шахсларни ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказига жойлаштиришнинг суд тартибини жорий этишга хизмат қилади ва пировардида вояга етмаганни бундай марказларга жойлаштиришнинг холис, мустақил суд органлари томонидан адолатли амалга оширилишига имкон яратади.

Қонунда шу билан бирга, вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тартиби белгилаб берилиб, унда вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги материалларни тайёрлаш, вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосномани судга юбориш, вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимосноманинг суд томонидан кўриб чиқилиши, шунингдек, суднинг вояга етмаганни ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасасига жойлаштириш тўғрисидаги илтимоснома юзасидан чиқарилган ажримини ижро этиш каби масалалар ёритилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, мазкур қонун биринчидан, вояга етмаганларни баркамол қилиб ўстиришда ва жамиятимизда маънавий муҳитни соғломлаштиришда, вояга етмаганлар томонидан ҳуқуқбузарлик ва жиноятлар содир этилишининг олдини олишга, болаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган муҳим норматив-ҳуқуқий ҳужжат ҳисобланди. Иккинчидан, бугунги ёшларни комил инсон этиб тарбиялашда, вояга етмаган ёшлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси борасидаги муносабатларни тартибга солишда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилади. Учинчидан, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тизимга кирувчи органлар ва муассасаларнинг масъулиятини янада кучайтириш, болаларнинг девиант хулқ-атворини эрта аниқлаш ҳамда олдини олишга қаратилган тадбирларнинг самарадорлигини ошириш имконини беради.

# Пенсияга чиқай десам...

***Мен 1959 йилда туғилганман. Маълумотим олий. Касбим ўқитувчи. Иш стажим 34 йилни ташкил этади. 1976 йилдан 2000 йилгача мактабда котиба, кутубхоначи, ўқитувчи, мактаб директори ва туман халқ таълими бўлимида методист лавозимларида ишладим. Методист лавозимида ишлаган даврларимда ҳам мактабда ўн икки соатдан дарс бериб келганман. 2000 йилдан ҳозирга қадар мактабда ўқитувчилик қилиб келаяпман.***

***2009 йили туман ижтимоий таъминот бўлимига имтиёзли асосда пенсияга чиқиш мақсадида мурожаат қилган эдим. Лекин улар мазкур имтиёздан фақат ўқитувчи бўлиб ишлагансизгина фойдаланишингиз мумкин дейишди. Шу тўғрими? Халқ таълими ходимларининг иш даври педагогик фаолиятга кирмайдими?***

**Улдонтош Ҳамроева**

"Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг 12-моддаси "к" бандида ўқитувчилар ва бошқа маориф ходимлари - махсус иш стажи камида 25 йил бўлган тақдирда умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўлишлари белгиланган.

Мазкур имтиёзли тоифадаги касблар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги "Имтиёзли шартларда пенсияга чиқиш ҳуқуқини берувчи ишлаб чиқаришлар, муассасалар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг рўйхатини тасдиқлаш ҳақида"ги 250-сонли қарори билан тасдиқланган. 3-сонли рўйхатнинг 7-бандига кўра, юқорида қайд этилган 25 йиллик махсус иш стажи фуқаронинг умумтаълим мактабларидаги, мактаб-интернатлар, кўр, соқов, асаб ва бошқа касалликлари билан оғриган болалар учун мактаблар, мактаб санаториялар, болалар санаторияларидаги ўқув гуруҳлари ва мактаблар, етти йиллик мусиқа мактаблари, махсус ҳарбий ўрта мактаб ва ўқув юртлари ва ҳоказо шу каби муассасалардаги бевосита узлуксиз педагогик фаолият билан боғлиқ бўлиши лозим. Яъни, бевосита умумтаълим мактабидаги меҳнат фаолиятингиз ҳисобга олинади. Мазкур рўйхатга халқ таълими бўлимларидаги меҳнат фаолияти киритилмаган.

# Таътил учун ҳақ



***Келиним мактабда бошланғич синф ўқитувчиси бўлиб ишлайди. 2009-2010 ўқув йили давомида ўзига берилган 5 соат дарс ҳамда ҳомиладорлик таътилига чиққан бошқа ўқитувчининг 18 соат дарсини ва синф раҳбарлигини олиб ишлади. Келиним ўрнига ишлаган ўқитувчи аёлнинг ҳомиладорлик ва туғиш таътили 2009 йилнинг 14 ноябригача белгиланган бўлиб, мактаб директори унга 1 декабрдан ишга чиқишини айтган. Лекин унинг 18 соат дарси учун ва синф раҳбарлиги учун иш ҳақи сентябрь ойидан унинг ўзига тўланган. Унинг ўрнида ишлаган келинимга эса пул тўланмаган. Таътилда бўлган бундай ходимга ўқув йилининг бошидан пул тўланиши қонунга тўғри келадими?***

***Келинимга 5 соатлик тариф бўйича нафақа ҳисобланиб, ҳомиладорлик ва туғиш таътилига чиқарилди. Ҳомиладорлик ҳамда меҳнат таътиллари қай тартибда тўланади?***

**Кўчқор Жўраев**

Амалдаги норматив ҳужжат (Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида"ги Низом) талабига кўра, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақани тайинлаш ва тўлаш учун белгиланган тартибда берилган меҳнатга лаёқатсизлик варақаси асос бўлади. Бинобарин, бундай ҳужжатни иш жойига тақдим қилган ходимга нафақа ҳомиладорлик ва туғиш бўйича таътилнинг вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасида кўрсатилган барча кунлари учун берилади. Яъни, ходимга бундай нафақа тайинланган даврда иш ҳақи ҳисобланмайди.

Навбатдаги саволингизга келадиган бўлсак, ҳомиладорлик ва туғиш бўйича нафақалар барча ҳолларда ходимнинг ҳақиқий иш ҳақидан ҳисоблаб чиқарилади.

Ходим тўлиқ бўлмаган мансаб маошини олган ҳолатларда, нафақа маошнинг ҳақиқатда олинадиган қисми асосида ҳисобланади.

Нафақани ҳисоблаб чиқариш учун ўртача кунлик иш ҳақи суммасини вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик рўй берган ойдаги барча иш кунларига (жадвал бўйича) бўлиш йўли билан аниқланади.

Нафақанинг умумий суммаси кунлик нафақани ушбу ойда вақтинча меҳнатга қобилиятсизлик (ҳомиладорлик ва туғиш таътили) туфайли ишга келмаган иш кунлари сонига кўпайтириш йўли билан аниқланади.

Ходимнинг меҳнатга қобилиятсизлик кунлари йиллик (асосий ва қўшимча) таътил даврига тўғри келган ҳолларда, нафақа вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик варақасида кўрсатилган барча кунлар учун тўланади.

Келинингизга нафақа нотўғри ҳисоблангани устидан туман, шаҳар, судига шикоят-ариза билан мурожаат қилишингиз мумкин.

# Ўриндошга мукофот борми?

***Ташкилотда бош мутахассис лавозимида ишлаётган киши яна ўриндошлик асосида етакчи мутахассис лавозимида лавозимнинг 50 фоиз миқдоридаги қўшимча ҳақини олиб ишлайди дейлик. Ушбу ходима Республика Адлия вазирлиги томонидан 1995 йил 20 сентябрда рўйхатга олинган "Бюджет муассасалари ва ташкилотлари ходимларини моддий рағбатлантиришнинг махсус жамғармаси ҳақида"ги Низомга асосан асосий лавозимидан келиб чиқиб қўшимча ҳақ тўланади. Аммо ходим ўриндошлик лавозими учун ҳам қўшимча ҳақ тўлайсан деб талаб қилмоқда. Ушбу ҳолатда ходим ҳақми? Бюджет ташкилотига янги қабул қилинган ходимга неча ойдан кейин мукофот тўлаш мумкин?***

***Бюджет ташкилотида бўлим бошлиғи лавозимида ишлаётган ходим ўриндошлик асосида хўжалик мудири вазифасини ҳам юритиши мумкинми?***

**Чори Абдураҳмонов**

Амалдаги Меҳнат кодексининг 114-моддасида иш вақтига таъриф берилган бўлиб, унга кўра, ходим иш тартиби ёки графигига ёхуд меҳнат шартномаси шартларига мувофиқ ўз меҳнат вазифаларини бажариши лозим бўлган вақт иш вақти ҳисобланади. Бинобарин, бир ташкилотда ходимга айни вақтда бошқа лавозим вазифаларини ҳам бажаришни юклаш учун унинг ўриндошлик асосидаги иши асосий иш жойидаги меҳнат вазифаларини тўлиқ бажаришига тўсқинлик қилмайдиган ҳолларда йўл қўйилади.

Меҳнат кодексининг 160-моддаси талабига мувофиқ, бир неча касбда (лавозимда) ишлаганлик, хизмат кўрсатиш доираси кенгайганлиги, бажариладиган ишлар ҳажми ортганлиги, ўзининг асосий иши билан бир қаторда ишда вақтинча бўлмаган ходимларнинг вазифаларини бажарганлик учун, шунингдек, ўриндошлик асосида иш бажарилганида (ходим ўзининг асосий ишини бажаришидан ташқари асосий ишидан бўш вақтида меҳнат шартномаси асосида бошқа ҳақ тўланадиган ишни бажарганда) ходимнинг меҳнат ҳақи миқдори меҳнат шартномасининг тарафлари ўртасидаги келишувга биноан амалда бажарилган иш юзасидан белгиланади. Қолаверса, сиз тилга олган норматив ҳужжатда белгиланишича, устама ҳақ юқори малакали ходимларга иш жараёнида юқори натижалари учунгина белгиланади. Ўз навбатида ходимнинг ўриндошлик асосида бошқа вазифани ҳам бажариб келиши унга мазкур лавозим учун тўланаётган иш ҳақидан ташқари ўриндошлик учун устама ҳақ ҳам тўлаш шартлигини билдирмайди.

Навбатдаги саволингизга тўхталадиган бўлсак, ходимни қанча вақтдан кейин мукофотлаш мумкинлиги масаласи энг аввало, унинг ишда эришган ютуқларига мувофиқ тарзда иш берувчи томонидан белгиланади. Шу билан бирга, меҳнат қонунчилигига мувофиқ, меҳнат ҳақи, шакли ва тизимлари, мукофотлар, қўшимча тўловлар, устамалар, рағбатлантириш тарзидаги тўловлар жамоа шартномаларида, шунингдек, иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб қабул қилинадиган бошқа локал ҳужжатларда белгиланган бўлиши лозим. Бунинг устига Меҳнат кодексининг 179-моддасига кўра, меҳнат интизоми ҳалол меҳнат учун рағбатлантириш ва мукофотлаш усулларини қўллаш орқали ҳам таъминланади.

# Ҳақи икки ҳисса

***Мен бир корхонада ҳисобчи-ғазначи бўлиб ишлайман. Иш жойим ва иш ҳақларим яхши. Бироқ, кейинги пайтларда директоримиз дам олиш кунлари ҳам ишга чақиртирадиган бўлди. Бундай кунларда ходимни ишлатиш қонунга тўғри келадими?***

**Камолиддин Қушоқов**

Аслида дам олиш кунларида ишлатиш тақиқланади. Бироқ, Меҳнат кодексининг 130-моддасида белгиланган тартибга мувофиқ, иш берувчининг фармойиши бўйича айрим ходимларни дам олиш кунлари ишга жалб этишга алоҳида ҳолларнагина, жамоа шартномасида, агар у тузилмаган бўлса, - иш берувчи томонидан касаба уюшмаси қўмитаси ёки ходимларнинг бошқа вакиллик органи билан келишиб белгиланган асослар бўйича ва тартибда йўл қўйилади.

Ходимларни улар дам оладиган кунлари ишга жалб этиш ушбу кодекснинг 220-моддаси бешинчи қисмида ва 228, 245-моддаларида белгиланган чеклашларга риоя этган ҳолда амалга оширилади. Хусусан, 220-модданинг 5-қисмига кўра, ногиронларни тунги вақтдаги ишларга, шунингдек, иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилишга уларнинг розилиги билангина, башарти улар учун бундай ишлар тиббий тавсияларда тақиқланмаган бўлса, йўл қўйилади.

228-модда талаби бўйича эса, ҳомиладор аёлларни ва ўн тўрт ёшга тўлмаган боласи (ўн олти ёшга тўлмаган ногирон боласи) бор аёлларни уларнинг розилигисиз тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга, дам олиш кунларидаги ишларга жалб қилишга ва хизмат сафарига юборишга йўл қўйилмайди.

Ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларни эса, тунги ишларга, иш вақтидан ташқари ишларга ва дам олиш кунларидаги ишларга жалб этиш тақиқланади.

Иш вақтидан ташқари ишлар, дам олиш кунлари ва байрам кунларидаги ишлар учун камида икки ҳисса миқдорида ҳақ тўланади ёки ходимнинг хоҳишига қараб бошқа дам олиш куни (отгул) бериш билан қопланиши мумкин.

*"Барча фуқаролар оилавий муносабатларда тенг ҳуқуқларга эгадирлар. Никоҳ тузиш чоғида жинси, ирқи, миллати, тили, дини, ижтимоий келиб чиқиши, эътиқоди, шахсий ва ижтимоий мавқеи ҳамда бошқа ҳолатларга қараб, ҳуқуқларни муайян тарзда бевосита ёки билвосита чеклашга, бевосита ёки билвосита афзалликлар белгилашга ҳамда оилавий муносабатларга аралашишга йўл қўйилмайди.*

*Оилавий муносабатларда фуқароларнинг ҳуқуқлари фақат қонунга асосан ва фақат оиладаги бошқа аъзоларнинг ҳамда ўзга фуқароларнинг ахлоқи, шаъни, қадр-қиммати, соғлиғи, ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида зарур меъёрдагина чекланиши мумкин".*

***Оила кодексининг 3-моддаси***

# Тиббий кўрик учун пул

***Биз кўп йиллардан бери Элликқальа туманидаги коллежда ўқитувчи бўлиб ишлаб келмоқдамиз. Ҳар йили бир маротаба тиббий кўрикдан ўтамиз. Бироқ тиббий кўрикдан ўтиш учун туман поликлиникасида ҳақ талаб қилинади. Бундай тиббий кўрикдан ўтказиш учун ҳақ ходим ҳисобидан тўланиши керакми ёки у ишлаётган ташкилот ҳисобиданми?***

**Б.Артинбаев, О.Абдалов, С.Нурумбетов, У.Сейитова, А.Комибетова**

Меҳнат кодексида тиббий кўрикдан вақти-вақти билан ўтиб туриши шарт бўлган ходимлар тоифаси берилган бўлиб, иш берувчи меҳнат шартномаси тузиш чоғида дастлабки тарзда ва кейинчалик (иш давомида) ходимларни тиббий кўрикдан ўтказишни ташкил қилиши шартлиги белгиланган. Бундай тоифадаги шахсларга:

- ўн саккиз ёшга тўлмаганлар;
- олтмиш ёшга тўлган эркаклар, эллик беш ёшга тўлган аёллар;
- ногиронлар;
- меҳнат шароити ноқулай ишларда, тунги ишларда, шунингдек, транспорт ҳаракати билан боғлиқ ишларда банд бўлганлар;
- озиқ-овқат саноатида, савдо ва бевосита аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ бўлган бошқа тармоқлардаги ишларда банд бўлганлар;
- умумтаълим мактаблари, мактабгача тарбия ва бошқа муассасаларнинг бевосита болаларга таълим ёки тарбия бериш билан машғул бўлган педагог ва бошқа ходимлари.

Меҳнат шароити ноқулай ишлар ва бажарилаётганида дастлабки тарзда ва вақти-вақти билан тиббий кўрикдан ўтиши лозим бўлган бошқа ишларнинг рўйхати ва уларни ўтказиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан белгиланади.

Ушбу модданинг биринчи қисмида кўрсатилган ходимлар тиббий кўриклардан ўтишдан бўйин товлашга ҳақли эмаслар. Тиббий кўрикдан ўтишдан ёки тиббий комиссияларнинг текширувлар натижасида берган тавсияларини бажаришдан бўйин товлаган ходимларни иш берувчи ишга қўймасликка ҳақлидир.

Агар ходим ўз соғлиғининг ҳолати меҳнат шароити билан боғлиқ ҳолда ёмонлашган деб ҳисобласа, у навбатдан ташқари тиббий кўрикдан ўтказишни талаб қилишга ҳақлидир.

Тиббий кўриклардан ўтилиши муносабати билан ходимлар чиқимдор бўлмайдилар.

**Саволларга Бош прокуратура бошқарма прокурори Одил МУСАЕВ жавоб берди**

**ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!**
**Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг. Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб беради. Саволларингизни «Ниqиq» газетасининг «info@huquq-gazeta.uz» электрон почтаси орқали юборишингиз ёки (8-371) 233-26-62 телефони орқали мурожаат қилишингиз мумкин.**

# Тадбиркорлик фаолиятини ҳуқуқий тартибга солишнинг ўзига хос хусусиятлари

*Тадбиркорлик фаолияти тушунчаси Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонунининг 3-моддасида қуйидаги таҳрирда баён этилади: "Тадбиркорлик фаолияти (тадбиркорлик) - тадбиркорлик фаолияти субъектлари томонидан қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган, таваккал қилиб ва ўз мулкий жавобгарлиги асосида даромад (фойда) олишга қаратилган ташаббускорлик фаолиятидир".*

**А.АБДУЖАББАРОВ,**
Бош прокуратуранинг
Олий ўқув курслари бўлим бошлиғи

Тадбиркорлик фаолияти маълум субъектлар томонидан амалга оширилади. Улар кимлардан иборат бўлиши мумкин? Бу саволга жавоб қонуннинг 4-моддасида берилади, яъни "Тадбиркорлик фаолияти субъектлари (тадбиркорлик субъектлари) белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган ҳамда тадбиркорлик фаолиятини амалга ошираётган юридик шахс ва жисмоний шахслардир".

Ушбу моддага мувофиқ ҳар қандай юридик шахс ёки жисмоний шахс тадбиркорлик фаолиятининг субъекти бўлавермайди. Бунинг учун улар белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган бўлишлари керак. Фуқаролик кодексининг 24-моддасига мувофиқ жисмоний шахс, яъни "Фуқаро якка тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга ҳақлидир". Юридик шахс ҳам тадбиркорлик фаолияти субъекти бўлиб ҳисобланиши учун тегишли тартибда рўйхатдан ўтган, бундай фаолиятнинг муайян тури билан шуғулланиш учун рухсатнома (лицензия) олган бўлиши керак. Шунинг билан бирга, тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳисобланган корхона ёки фирма юридик шахс деб тан олиниши учун ФКнинг 44-моддасида назарда тутилган тартибда давлат рўйхатидан ўтказилган бўлиши керак.

Тадбиркорлик фаолияти субъекти ҳисобланган юридик шахс ёки фуқаро умуман олганда, мулк ҳуқуқи субъекти ҳам бўлиши керак, чунки унинг фаолияти "ўз мулкий жавобгарлиги асосида" амалга оширилади. Лекин тадбиркорлик фаолияти субъекти барча ҳолларда мулк ҳуқуқи субъекти бўлиши шарт эмас. Масалан, фуқаро томонидан амалга оширилаётган тадбиркорлик унинг ўзига тегишли ёки у томонидан ижарага олинган мол-мулк асосида амалга оширилаётган бўлиши мумкин. Юридик шахс ҳам мол-мулкка нисбатан шунга ўхшаш ҳуқуққа эга бўлиши мумкин. Ўзи шахсан мулк ҳуқуқи субъекти бўлмаган юридик шахс (масалан, давлат корхоналари, фирмалари, бирлашмалари) тадбиркорлик фаолиятини давлат мулкига асосан амалга оширади. Бунда улар давлат мулкига нисбатан бўлган хўжалик юритиш ва оператив бошқариш ҳуқуқларидан фойдаланадилар.

Хўжалик юритиш ҳуқуқи тушунчаси ва юридик шахснинг ушбу ҳуқуққа эга бўлган мулкий ҳуқуқ лаёқати ФКнинг 176, 177-моддаларида назарда тутилган. 176-моддага мувофиқ хўжалик юритиш ҳуқуқига эга бўлган юридик шахс унга бириктирилган мол-мулкка мулк ҳуқуқи субъекти каби эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Ушбу ҳуқуққа эга бўлган тадбиркор ўз хоҳиши билан қонунга зид келмайдиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширади. Мулк ҳуқуқи субъекти бўлмасдан, мол-мулкни оператив бошқариш ҳуқуқига эга бўлган корхоналарнинг ваколатлари ФКнинг 72, 178-моддалари билан белгиланади.

Хўжалик юритиш ёки оператив бошқариш ҳуқуқига нисбатан башарти ФК ва ўзга қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, мулкчилик ҳуқуқи тўғрисидаги қоидалар қўлланилади.

Демак, тадбиркорлик фаолияти мулк ҳуқуқи эгаси бўлган ва бўлмаган шахслар томонидан амалга оширилиши мумкин. Тадбиркорлик фаолияти субъектлари умумий қоидага биноан мулк ҳуқуқи эгалари ҳисобланади. Бундай ҳуқуққа эга бўлмаган тақдирда, улар мулкдор томонидан бириктириб қўйилган мол-мулкка нисбатан хўжалик юритиш ҳуқуқига ёки оператив бошқариш ҳуқуқига эга бўладилар ва тадбиркорлик фаолиятини мулкдор томонидан белгиланган ваколат доирасида амалга оширадилар (ФКнинг 71, 177-м.м.).

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишдан асосий мақсад даромад (фойда) олишдан иборат. Ушбу мақсадга эришиш учун тадбиркор ўз фаолиятини бозор талабларига мослаштириб режага солади. Керакли ва сотиб олувчилар учун зарур бўлган маҳсулотларни ишлаб чиқаришга, харид қилишга рақобатлашувда фаол қатнашишга ҳаракат қилади.

Иқтисодий манфаатдорлик биринчи галда фойда олиш билан боғлиқ хўжалик фаолиятининг натижаларини умумлаштирувчи асосий кўрсаткич ҳам фойдадир. Фойда қанча кўп олинса, меҳнатга нисбатан рағбатлантириш, қизиқиш ҳам шунча баланд бўлади, тадбиркорликда юқори самарадорликка эришилади.

Тадбиркор ўз фаолиятини юритиши натижасида оладиган умумий даромадидан маълум қисмини солиқлар ва бошқа тўловлар учун ажратади. Тўловлар тўлангандан кейин тадбиркор ихтиёрида қолган даромад соф фойда сифатида тўла-тўкис унинг тасарруфига ўтади. Соф фойдадан қайси мақсадда фойдаланишни эса тадбиркорнинг ўзи мустақил равишда ҳал қилади.

Таваккалчилик билан фаолият юритиш тадбиркорга хос хусусиятдир. Тадбиркор бозор ҳақидаги маълумотлар ва ахборотлардан доимо хабардор бўлиб туриш, зарур бўлган тақдирда ўз фаолиятига тезда ўзгартиш киритиш ва бозор шароитига мослашган ҳолда ортиқча ташвиш ва харажатларсиз фаолият юритишга ҳаракат қилади. Акс ҳолда у рақобатга бардош бера олмаслиги ва банкротликка учраши мумкин.

Тадбиркорнинг банкрот бўлиши бошқаларнинг айби туфайли содир бўлиши ҳам мумкин. Масалан, бошқалар тадбиркорнинг маҳсулот (товар) ишлаб чиқариши учун зарур бўлган хомашёни ўз вақтида, келишилган муддатда етказиб бермаса ёки етказиб берилган хомашё фойдаланиш учун яроқсиз бўлса, сотилган товарнинг ёки бажарилган ишнинг ҳақи ўз вақтида тўланмаса - бунга ўхшаш ва бошқа ҳолатлар тадбиркорни банкротликка олиб келиши мумкин. Бундай ҳоллар юз бериши билан тадбиркор унга етказилган зарарни жавобгар шахслардан ундириб олишни талаб қилиш ҳуқуқига эгадир. Лекин тадбиркорнинг зарар кўришида айби йўқлигини исботлай олган шахс жавобгарликдан озод бўлиши ҳам мумкин (ФК 333-моддасининг 3-қисми).

Агар тадбиркорнинг мол-мулки баъзи бир табиий офат ёки олдини олиш мумкин бўлмаган бошқа ҳодисалар (форс-мажор вазиятлар) туфайли нобуд бўлса, унинг учун ҳеч ким жавобгар эмас. Тадбиркор унга етказилган зарарни фақат суғурта суммаси миқдорида (агар мол-мулк суғурта қилинган бўлса) ундириб олиш имкониятига эга бўлади.

Таваккалчиликнинг яна бир кўриниши тадбиркор ўз фаолиятининг натижалари ва зиммасига олган мажбуриятлари юзасидан шахсан ўзи жавобгар бўлишидан иборатдир. Фуқаролик кодексининг 25-моддасига мувофиқ, тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи фуқаро ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли бутун мол-мулки билан жавоб беради. Мазкур кодекснинг 48-моддасига мувофиқ тадбиркорлик билан шуғулланувчи корхона (юридик шахс) ҳам ўз мажбуриятлари юзасидан ўзига тегишли бутун мол-мулки билан жавоб беради.

Тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи давлат корхонаси ўз мажбуриятлари бўйича Фуқаролик кодексининг 72-моддаси бешинчи қисмида ҳамда 76-моддаси учинчи қисмида назарда тутилган тартибда ва шартлар асосида жавоб беради.

Тадбиркорлик мулкий жавобгарликка асосланади. Барча тадбиркорлик иқтисодий мустақил ва ўзаро муносабатларда тенг ҳуқуқлидир. Шундай экан, бундай муносабатлар шартномалар тузиш йўли билан расмийлаштирилади. Шартномани бажармаслик ёки лозим даражада бажармаслик натижасида зарар етказилган тақдирда ушбу зарарни ундириш ҳақида талаб қўйилиши ва шунингдек, даъво қўзғатилиши мумкин. Бундай талаб ёки даъво мулкий тусга эга, чунки етказилган зарарни ундириш шартномани бузган тадбиркорнинг мулкига қаратилади.

Тадбиркорлик - ташаббускорлик демакдир. Агар тадбиркор иқтисодий фаолиятда ташаббус кўрсата олмаса, у ўз олдига қўйилган мақсадга эриша олмайди, рақобатга бардош бера олмайди ва натижада банкрот бўлиши муқаррар.

Бозор шароитида тадбиркор ўз фаолиятини ўзи мустақил танлайди, белгилайди, режалаштиради ва уюштиради. Унинг фаолияти бошқалар томонидан, айниқса, юқори ташкилотлар томонидан режалаштирилмайди. Тадбиркор ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга, бажарилаётган ишга, кўрсатилаётган хизматга бўлган талабларни ҳисобга олиб, тараққиёт истиқболларини ўзи шахсан белгилайди. Бундай вазифани бекаму кўст амалга ошириш ундан барча ҳолатда юқори малакали, қобилиятли бўлишини ва фаол ташаббус кўрсатишни талаб қилади.

Ташаббус кўрсатиш амалдаги қонунларда назарда тутилган қоидалар асосида ва доирасида амалга оширилади. Бундай қоидалар Фуқаролик кодексининг 24, 25, 26, 39, 41, 48, 56, 57, 72, 76, 176-178, 324-339- ва бошқа моддаларида, "Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида"ги Қонуннинг тегишли моддаларида назарда тутилган. Тадбиркор ўз фаолияти бўйича ташаббус кўрсатишда ушбу қонун-қоидаларга риоя қилиши шарт. Шунинг билан бирга ҳар бир тадбиркор корхона ўз устави, таъсис ҳужжатлари доирасида фаолият кўрсатади. Тадбиркорга хоҳлаган фаолият билан шуғулланишда ташаббус кўрсатиши учун эркинлик берилган, бундай эркинликдан қонун билан тақиқланмаган барча ҳолатларда фойдаланиш мумкин.

Мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш иқтисодиётни кўтариш, аҳолининг турмуш фаровонлигини оширишнинг асосий шартидир. Мустақил Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиёти тизими шаклланаётган ҳозирги тараққиёт босқичида тадбиркорликни ривожлантиришга катта аҳамият берилиб, бу соҳадаги вазифалар давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланиб бормоқда.

Бугунги кунда бозор ислоҳотларини янада чуқурлаштириш, кучли бозор инфратузилмасини яратиш, барқарор ва ўзаро мутаносиб, мустаҳкам иқтисодиётнинг муҳим шарти бўлган эркин иқтисодиёт тамойилларини жорий этиш, ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқаришда етакчи ўринни эгаллайдиган, фуқароларнинг муҳим даромад манбаи ва мулкдорлар синфини шакллантиришнинг асоси бўлган хусусий секторнинг мавқеини янада ошириш, кичик ва ўрта бизнес ҳамда тадбиркорликни жадал ривожлантиришни тақозо этади.

## Ишонч телефонлари

Маҳаллий давлат ҳокимияти, назорат қилувчи ва лицензия берувчи органлар томонидан тадбиркорлик субъектларига рухсатномалар бериш, тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, қурилишга рухсат бериш, кадастр орқали расмийлаштириш ва бинолар ижараси учун тўлов миқдорини белгилашга қонунбузилиш, бюрократик тўсқинликлар ва сансалорликларга йўл қўйилган тақдирда, Сиз тадбиркорлар ўз ҳуқуқларингизни ҳимоя қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаменти, Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар прокуратураларининг қуйидаги "Ишонч телефони" рақамларига ёки **«007»** қисқа рақамига қўнғироқ қилишингиз мумкин.

| № | Прокуратура органлари | Ишонч телефонлари | |
|---|---|---|---|
| 1. | Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси | Код: 8371 | 232-43-91<br>232-45-40 |
| 2. | Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖЖДЛҚК Департаменти | Код: 8371 | 233-84-20 |
| 3. | Андижон вилоят прокуратураси | Код: 8374 | 224-06-09 |
| 4. | Бухоро вилоят прокуратураси | Код: 8365 | 223-74-79 |
| 5. | Жиззах вилоят прокуратураси | Код: 8372 | 226-09-62 |
| 6. | Қашқадарё вилоят прокуратураси | Код: 8375 | 221-07-82 |
| 7. | Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси | Код: 8361 | 222-26-39 |
| 8. | Навоий вилоят прокуратураси | Код: 8436 | 225-07-17 |
| 9. | Наманган вилоят прокуратураси | Код: 8369 | 226-23-02 |
| 10. | Самарқанд вилоят прокуратураси | Код: 8366 | 235-07-34 |
| 11. | Сирдарё вилоят прокуратураси | Код: 8367 | 223-38-22 |
| 12. | Сурхондарё вилоят прокуратураси | Код: 8376 | 223-20-36 |
| 13. | Тошкент шаҳар прокуратураси | Код: 8371 | 273-74-81 |
| 14. | Тошкент вилоят прокуратураси | Код: 8371 | 277-76-18 |
| 15. | Фарғона вилоят прокуратураси | Код: 8373 | 224-04-80 |
| 16. | Хоразм вилоят прокуратураси | Код: 8362 | 227-45-71 |

Бундан ташқари фуқароларнинг илтимос ва мурожаатларини кундалик навбатчилик асосида қабул қилиш бўйича барча туман-шаҳар прокуратураларида ишонч телефонлари ташкил этилган.

Сизнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларингиз тезкорлик билан ҳимоя қилинишi таъминланади.

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси**

*Агар Абзал ўшанда жазо муддатини ўтаётган акасини кўриш учун қамоқхонага бориши унинг келгуси ҳаётини бунчалар ўзгартириб юборишини билганидами?... Афсуски, энди кеч...*

# Разолат ботқоғи



Онаси билан манзилга етиб боргач, кўп ўтмай учрашувга рухсат олишди. Бир муддатдан сўнг акаси чиқиб келди. Бироз суҳбатлашиб ўтиришгандан кейин акаси уни қўшни хоналардан бирида отаси билан учрашувга чиққан йигит билан таништирди.

— Мажид, танишиб қўй, бу йигит укам, Абзал. Аммо-чи, унга беш кетаман-де... Қара, сен билан мен аҳмоқлик қилиб, бу ерларга келиб қолдик. Бу бўлса, бир бойваччанинг уйида қоровулчилик қилиб, яхшигина соққа ишлаб юрибди.

— Шунақа дегин... Ойлигинг яхшими ишқилиб?

— Ёмон эмас. Кўкида 150.

— Йўғ-эй, яхши-ку! Хўжайинининг яхши одам экан. Ҳалиям ўша ерда ишлаяпсанми? Ишинг оғир бўлса керак-а?

— Уй эгаси Иброҳим акага гап йўқ. Ишим унчалик оғир эмас. Фақат қоровулчилик қиламан.

— Майли укам, омадингни берсин.

Мажид улар билан хайрлашиб, чиқиб кетди.

Орадан бир йилча ўтгач, кечки пайт уй телефони жиринглаб қолди. Яқин орада ҳеч ким бўлмагани учун гўшакни Абзал кўтарди.

— Алло, менга Абзал керак эди. И-е, Абзал, ўзингмисан? Яхши юрибсанми ука? Уйдагилар яхшими? Мени танимадингга? Мажид аканг бўламан. Ўтган йили акангни кўргани Олмаliққа борганингда танишган эдик. Эсингга тушдими? Ҳа, яша. Хуллас ука, озодликка ҳам чиқиб олдик. Қўнғироқ қилаётганим, сен билан учрашиб олишим керак. Иложи бўлса, ҳозир ТТЗга етиб келгин. Зарур гапим бор.

Абзал бироз ўйланиб тургач, оғайниси Элмуроднинг ёнига йўл олди. Уни ўзи билан боришга кўндиргач, икки оғайни ТТЗга равона бўлишди.

Улар манзилга етиб келишгач, у ёқ-бу ёққа қараб Мажидни қидира бошлаган Абзалнинг кўзи йўл четида турган "Матиз" автомашинасига тушди-да, таваккал дея ўша томон юрди. Янглишмаган экан. Машинадан тушган Мажид уни қучоқ очиб кутиб олди.

— Оббо, укам-эй! Соғ-саломат юрибсанми? Уйдагилар қалай?

— Раҳмат ака. Ўзингиз яхшимисиз? Қутилиб чиқдим денг? Табриклайман.

— Ҳа, мана энди озод қушман. Айтмоқчи, булар оғайниларим, — у шундай дея машинада ўтирган йигитларга имо қилди. — Бу Ёдгор. Орқада ўтирганлар Анвар билан Зафар. Майли, энди ишга ўтсак. Менга қара, ҳалиям ўша бойваччаникида ишлаяпсанми?

— Йўқ. Иброҳим аканикида қанақадир муаммо бўлиб, у ердан кетганман. Ҳозир заводдаман. У ерда ҳеч ким яшамайди. Энди уйни сотмоқчи бўлиб юришибди деб эшитдим.

— Шунақа дегин... Бўлмаса сенга жавоб. Керак бўлсанг телефон қиламан.

Мажид шундай дея унинг қўл телефони рақамини олиб қолди.

Орадан ўн кунлар ўтгач, Мажид қўнғироқ қилиб, кечки пайт Элмурод билан аввалги учрашган жойларига келишини сўради. Уларни ўша кундаги шериклар кутиб олишди.

— Энди ука, ўша Иброҳим акангни уйини кўрсат, — дея буюрди Мажид улар билан салом-алик қилгач. Абзал нима учунлигини сўраган эди, борганда биласан деб жавоб қилди.

Машина кўп ўтмай ҳашамат билан қурилган баланд қаватли уйларнинг ёнига келиб тўхтади. Абзал керакли хонадонни кўрсатгач, Мажид машинадан тушиб ўша уй атрофини айланиб келди. Сўнгра яна машинага ўтириб, яқин орадаги кафега йўл олишди. У ерда анчагача суҳбатлашиб, кофе ичиб ўтиришди. Вақт алламаҳал бўлганда яна ўша уйнинг ёнига қайтиб келишди. Мажид тезда Анварга девор устига чиқиб яқин-атрофни кўздан кечиришни тайинлаб, Абзалдан уйга қандай кириш мумкинлигини сўради. Абзал аввал фақат гумонсираган бўлса, энди унинг мақсадини тўлиқ тушуниб етдида, уйда каттакон ит борлиги ҳақида огоҳлантирди. Бу орада Анвар ҳам кўчада ҳеч ким кўринмаётганлиги ҳақида хабар берди. "Энди ишга киришиш мумкин" дея Мажид бир уринишдаёқ девордан ошдида, эшикни очди. Шериклар зумда ўзларини ичкарига уришди. Кўчада эса Анвар билан Элмурод қолишди. Қолган ишлар Мажиднинг кўрсатмаси билан амалга оширилди. Абзал эса нима, қаерда жойлашганини айтиб турди. Кўп ўтмай телевизор, тюнер, колонкалар ҳовлига олиб чиқилиб, чироқлари ўчган ҳолда дарвозадан кирган Ёдгорнинг машинасига юкланди. Кўчага чиқишгач, Анвар ва Элмурод билан кўришишгач, Мажид Абзалга 30 минг сўм бериб, уларга рухсат берди. Икки кундан кейин эса қўнғироқ қилиб, учрашув тайинладида, "меҳнат ҳаққинг" дея яна 370 минг сўм берди. Ўз навбатида Абзал 100 минг сўмни Элмуроднинг қўлига тутқазди.

* * *

2009 йил. Сентябрь ойининг сўнгги кунлари. Фарҳод бозори яқинидаги кўп қаватли уйлар ёнидан ўтиб келаётган аёл аввалига рўпарасидан келаётган йигитга аҳамият бермади. Аммо у билан бақамти келгач, тўсатдан кучли қўллар бўйнидаги тилла занжирга ёпишиб, бир ҳамладаёқ юлқиб олгач, жон ҳолатда ёрдам сўраганча бақира бошлади. Йигит бўлса ўша ондаёқ югурганча кўздан ғойиб бўлди. Айни ўша дамда унинг ёнида яна бир йигит пайдо бўлди-ю, воқеага гувоҳ бўлганини айтиб, йигит қочган томонни эмас, аксинча, унга қарама-қарши томонни кўрсата бошлади. Аёл унинг гапига ишониб, ўша томонга чопиб кетди. Йигит бўлса, айланма йўллар билан юриб, тилла занжирни ўғирлаган шеригининг ёнига етиб олди. Орадан кўп ўтмай, йигитлар 1 миллион 750 минг сўмлик тилла занжирни бозорда арзимаган нархда сотиб, пулини бўлиб олишди.

Ушбу ҳодисада асосий ишни бажарган, яъни аёлнинг бўйнидан тилла занжирни юлиб олган йигит юқорида баён этилган воқеада иштирок этган "Матиз" ҳайдовчиси Ёдгор Раҳмонов бўлиб, аёлни чалғитган эса, орқа ўриндиқда ўтирган Анвар Раҳмонбердиев эди.

Орадан икки ойга яқин вақт ўтиб, шериклари Ёдгор, Баҳодир ҳамда Зафарлар билан режалаштирилган янги "иш" бўйича "ўлжа" қидириб юрган Анвар, пойтахт марказидан оқиб ўтувчи "Бўрижар" канали ёнига келди. Кеч куз бўлгани боис, қоронғу тезда тушиб, кўчада машиналар ҳам, йўловчилар ҳам сийраклашиб қолган. Ногаҳон уларнинг эътиборини кўприк ёнида турган машина тортди.

— Ичида одам кўпга ўхшайди, — деди кимдир. — Кучимиз етармикан?

Унинг чўчигани Зафарнинг асабини қўзғади. Шунинг учун жаҳл билан "ўчир овозингни, иккитаси қиз бола-ку" деб, машина томон юрди. Унга Баҳодир эргашди. Зафар олд томондаги ойнани тақиллатди-да, ҳайдовчига тушишни буюрди. Ҳайдовчи машинадан тушган ҳам эди, иккаласи уни бир четга олиб ўтиб, ёнини кавлай бошлашди. Анвар бўлса, салонда ўтирганларни "тинтув" қилмоқчи бўлган эди, эшикларнинг қулфланганлигини кўриб, ўзлари очишмаса, ойнани синдиришини айтиб, таҳдид қила бошлади. Машинадагилар ноилож, қўрққанларидан эшикни очишга мажбур бўлишди. Анвар шу заҳоти эшикнинг ёнгинасида ўтирган қизнинг томоғига пичоқ тираб, қўл телефонини олиб, бармоғидаги узукни ҳам суғуриб, чўнтагига тиқди. Сўнгра машина ичидаги "Блутус" аппарати билан фотоаппаратни ҳам қўлга киритдида, эшикни ёпиб, Зафарларнинг ёнига йўналди. Бу пайтда унинг шериклари ҳайдовчини уриб-тепишни бошлашган эди. Анвар орқа томондан бориб, унинг бел қисмига тепган эди, йигит йиқилиб тушди. Шундан кейин ҳам уни яна бир-икки тепиб, Ёдгорнинг машинасига ўтиришдида, жуфтакни ростлашди.

Бу гал ҳайдовчининг 860 минг сўмлик, орқа ўриндиқда ўтирган қизнинг эса 830 минг сўмлик буюмлари босқинчилар қўлига ўтди.

Ўн кунлардан кейин айнан шу гуруҳ яна "Бўрижар" ёнида пайдо бўлди. Бу сафар "Нексия" автомашинаси ичида суҳбат қуриб ўтирган йигит билан қиз уларнинг навбатдаги қурбонига айланишди. Келишилганидек, Зафар билан Баҳодир машинага яқинлашиб, ҳайдовчидан пастга тушишни сўрашди. У тушган заҳоти, Анвар орқа томондан келиб, унинг бўйнига пичоқ тирадида, яна машинага ўтиришни буюрди. У буйруқни бажаргач, "тинтув" бошланди. Кўп ўтмай, йигитнинг юз доллар ҳамда 130 минг сўм пули, қўл телефони, спорт кийими, қизнинг эса узуги янги эгаларини топди.

Орадан икки кун ўтгач, кечки пайт "Ғафур Ғулом" номли истироҳат боғининг ёнгинасидан ўтиб кетаётган йигит ҳам босқинчиларнинг ҳужумига дуч келди. "Ўлжа"сининг қаршилик қилишини кутмаган Анвар ўйлаб ўтирмай қўлидаги пичоқни сермаб юборган эди, ўткир тиғ йигитнинг қўлини кесиб кетди. Унинг чалғиганидан фойдаланиб, яна мушт тушириšдида, чўнтагидаги 200 минг сўмлик қўл телефонини олиб қўйишди...

* * *

Юқоридаги ҳолатлар уюшган гуруҳ томонидан содир этилган жиноятларнинг ўндан бири, холос. Аниқроғи, яна бир неча ўнлаб фуқаролар уларнинг ҳужумига дучор бўлиб, анча-мунча бойликларидан маҳрум бўлишди.

Аммо, инсонийлик қиёфасини аллақачон йўқотган бу кимсалар булардан-да даҳшатлироқ ишларга ҳам қўл уришганки, қуйида шулардан айримларига гувоҳ бўласиз.

Масалан, 2005 йилда содир этган жинояти учун 8 йилга озодликдан маҳрум қилиниб, 2009 йил жазонинг ўталмаган қисми 3 йил-у 10 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишларига алмаштирилган Мажид Насирходжаев, тоби қочиб Тошкент вилояти сил касалликлари диспансерига ёткизилади. Буни қаранг-ки, у бу ерда ҳам вақтдан "унумли" фойдаланади. Яъни, ярим тунда бинонинг ташқи тарафига ўрнатилган темир зинадан иккинчи қаватга кўтарилиб, дераза орқали ҳисобот бўлимига киради. Стол тортмасидан сейфнинг калитини топгач, уни очиб, диспансернинг ишчи-хизматчиларига тегишли бўлган 25 дона пластик карточкани қўлга киритади. Сўнгра Ёдгорнинг ёрдами билан ушбу карточкалардаги пул маблағларига турли дўконлардан ҳар хил маҳсулотлар сотиб олади ва кейинчалик уларни пуллаб, ўғирланган пластик карточкалар ҳисобидаги жами 1 млн. 531 минг сўм маблағни ўзлаштириб юборади.

2010 йилнинг январь ойида эса, Мажид билан Ёдгорнинг ичини ит таталай бошлайди. Узунқулоқ гапларга қараганда, уларнинг эски танишлари бўлмиш Умиджон раҳбарлигидаги яна бир жиноий гуруҳ томонидан ўғирлик содир этилган бўлиб, уйдан анча-мунча тилла ва пуллар олинган экан. Улар ўзаро келишиб, қандай бўлмасин, Умиджондан ана шу бойликларни тортиб олиш йўлларини излай бошлашади ва ниҳоят ўзига хос режа тузишади. Унга кўра, Умиджонга қўнғироқ қилиб, учрашув белгилашади ва йўл-йўлакай икки шиша пиво харид қилиб, биттасига анча миқдордаги ухлатувчи дори аралаштиришади. Манзилга етиб боргач, тайёр "дори"ни Умиджонга бериб, ўзлари иккинчисини ичиб ўтиришади. "Ўлжа"лари ухлаб қолгач эса, унинг чўнтагидаги 7 минг 300 АҚШ доллари қийматидаги тилла буюмларни ўғирлаб олишади.

Айтмоқчи, кези келганда ушбу гуруҳнинг ташкил топиши ҳақида ҳам икки оғиз тўхталиб, ушбу воқеалардан сал олдинроққа қайтсак: эндигина 25 ёшга тўлган бўлишига қарамай бир неча бор судланишга улгурган Мажид Насирходжаевга ўзи каби қамоқхона тузини бир бор бўлсада тотишга улгурган Ёдгор Раҳмонов билан тил топишиш қийин кечмади. Буни қарангки, "Кўр кўрни қоронғуда топади" деганларидек, ёшлари тенг бўлган бу кимсаларнинг мақсадлари ҳам бир хил экан. Шунинг учун ҳам улар худди хориж киноларидаги каби босқинчилик ва талончилик қилиб, маблағ топиш ҳақида бош қотириб, гуруҳ тузмоқчи бўлишди. Шундай кунларнинг бирида Ёдгор Мажидга Анвар исмли жиянининг бу борада анчагина тажрибаси бўлиб, ишончли бўлганлиги боис уни ҳам ўзларига қўшиб олишлари мумкинлигини билдирди.

— Фақат биргина "но"си бор, Мажид. Анвар аллақачон Зафарнинг гуруҳида иш қилади-да. Рози бўлармикан-а?

— Унақада жиянинг билан мени учраштиргин-чи, гаплашиб кўраман. Бизга бунақа йигитлар ҳали кўп керак бўлади...

**Хайрулла ОРИПОВ,**
Бош прокуратура бошқарма АМИБ катта терговчиси

*/Давоми 10-бетда/*

# Нафс бандалари

***Ғайрат Эшонқулов 2009 йилнинг қиш-қировли кунларидан бирида Зомин мол бозорига тушди. Мақсади бозор кезиб, томоша қилиш, бозордаги нарх-навони билиб қўйиш эди. Бозор айланар экан, ўзи каби даллоллар савдосини кузатиб юрган Комилжон Пайзиев билан танишиб қолди. Зумда иккаласининг ҳам гапи-гапига қовушиб кетди.***



— Чорванинг нархи ҳафта сайин кўтарилиб кетмоқда. Лекин бошқа товарларнинг нархи унча ошмаяпти, — деди Ғайрат янги таниши билан гурунгда. — Сиз Янгиобод туманида яшар экансиз. Қўшни давлат — Тожикистонда нарх-наво қандайлигидан хабарингиз борми?

Комилжон суҳбатдош топилганидан хурсанд бўлиб, ўзи билганча жавоб қайтарди.

— Чорвани билмадим-у, лекин Тожикистонда пойабзал бу ердагига қараганда анча арзон деб эшитганман.

Икки ҳамсуҳбат бироздан кейин бир-бирларининг телефон рақамларини ёзиб олишди. Хайрлашиш олдидан Ғайрат Комилжоннинг кўнглига қўл солиб кўрди.

— Мен "Оникс-Ал-Тайр" хусусий корхонаси раҳбари бўлиб ишлайман. Мабодо, бирор зарурат туғилиб қолса, ёрдамлашасизми?

— Албатта, сиздек укахонимиз ёрдам сўраса, биз йўқ, дермидик, — хушнудлик билан жавоб қайтарди Комилжон Пайзиев. — Истаган вақтингизда қўнғироқ қилаверинг. Қўлдан келса, ёрдамимизни аямаймиз.

Орадан 6 ойча вақт ўтиб, 2010 йилнинг 2 июнь куни Комилжоннинг қўл телефони жиринглади.

— Ассалому алайкум Комилжон ака, яхши юрибсизми? Уйдагилар, бола-чақалар соғ-саломатми?

— Раҳмат.

— Мени ёдингиздан чиқариб юбормадингизми? Мен қишда Зомин мол бозорида танишган укангиз Ғайрат Эшонқуловман.

— Ёдимда. Ўзингиз яхши юрибсизми? Хўш, Ғайратжон, тинчликми?

— Тинчлик, ака. Сиз билан бир учрашсак, дегандим. Маслаҳатли иш чиқиб қолди.

— Э, шунақами... Унда уйга — Кўриқ қишлоғига келинг, бафуржа гаплашамиз.

— Комилжон ака, яхшиси сиз эртага Зоминга келинг, бир меҳмон бўлиб кетасиз. Қолган гапларни шу ерда гаплашамиз. Хўпми?

Ғайрат Эшонқулов Комилжон Пайзиевга учрашув жойи ва вақтини айтиб, қуюқ хайрлашди.

Эртаси куни, яъни 2010 йил 3 июнь куни улар айтилган жойда учрашганда Ғайрат Комилжонни ўзи тузиб юрган режа билан таништирди.

— Бир-икки кун ичида Фирдавс деган танишим Тожикистондан оёқ кийимлари олиб ўтади. Шу товарларни уйингизда сақлаб турсангиз. Кейин Самарқанднинг Ургут туманидан ўртоқларим келиб олиб кетади. Юкни сақлаб турганингиз учун яхшигина ҳақ ҳам тўлаймиз. 720 минг сўм пул оласиз.

Комилжон ўйланиб қолди. Бир кўнгли "Таклифни рад эт", деса, яна бир кўнгли "Сенга нима, ўзлари олиб келиб, ўзлари олиб кетади. Бир-икки кун сақлаб берганинг учун анчагина пулли бўлиб қоласан", дейди.

— Фирдавс деганинг пойабзалларни қаердан олиб келади, қанча миқдорда? — иккиланиброқ сўради Комилжон.

— Тожикистоннинг Ўратепа туманидан. 15 та қутида бўлади.

— Ундай бўлса майли.

Ўзаро келишиб олишгач, Комилжон уйига қайтиб кетди. Орадан 3 кун ўтгач, Ғайрат Комилжонга телефон қилиб, "Бугун Фирдавс айтилган товарларни олиб боради, кутиб олинг", деди.

Ўша куни, яъни 2010 йил 6 июнь куни соат 23:00 ларда 6 нафар тожикистонлик фуқаролар Комилжоннинг уйига келишди:

— Бизни Фирдавс юборди. Айтилган товарларни олиб келдик, қаерга туширайлик?

Комилжон уларга қурилиши битмаган хонани кўрсатгач, улар юкларни жойлаштириб, қайтиб кетишди. Бироздан сўнг Ғайрат телефон қилиб сўради:

— Юклар келдими?

— Келди. Фақат оёқ кийимлари эмас, парфюмерия маҳсулотлари ҳам бор-ку, — жавоб қайтарди Комилжон.

— У ёғи билан ишингиз бўлмасин. Яхшиси, сиз бирор юк машинаси топиб, гаплашиб беринг, хизмат ҳақини тўлаймиз.

Эртаси куни Комилжон қишлоқдаги юк машинаси ҳайдовчиларига учрашиб, уйидаги товарларни Зоминга олиб бориб беришларини сўради. Аммо ҳеч ким бу ишга рози бўлмагач, Комилжон Ғайратга қўнғироқ қилиб, юк машинаси топа олмаганини айтди.

— Қўяверинг, ўзимиз машина топиб борамиз, — дея Ғайрат уни хотиржам қилди.

7 июнь куни Ғайрат ўзи бошқариб келган "УАЗ" русумли автомашинада юкнинг бир қисмини олиб кетди. Уч кун ўтгач, кеч соат 21:00 ларда Артур Авакян бошқарувидаги "ВАЗ-2101" русумли автомашинада келган Ғайрат қолган юкни ҳам Зомин туманига олиб бориб, дастлабки терговда аниқлашнинг имкони бўлмаган шахсларга сотиб юборди.

Судланувчи Хайрулла Амировнинг кўргазмасидан:

— 2005 йилдан буён танишим Ш.Тайлоқовга тегишли "ЗИЛ-130" русумли автомашинани бошқариб келардим. Фуқароларнинг ҳар хил юкларини айтган манзилига етказиб бериш орқали даромад топардим. 2010 йил 13 июнь куни уйимга Ғайрат Эшонқулов келиб:

— Янгиобод туманининг Кўриқ қишлоғида юк бор. Олиб келиб бермайсизми? — деб сўради.

"Ноқонуний юк эмасми?" деб сўраган эдим, у "Эркаклар шиппаги, ҳеч қандай ноқонуний юк эмас" деб жавоб берди. Иккаламиз хизмат ҳақини келишгач:

— Сиз Янгиобод тумани, Пасткичақир қишлоғига бориб, "Улуғбек" фермер хўжалиги даласида бизни кутиб турасиз. Биз ортингиздан етиб борамиз, — деди Ғайрат Эшонқулов.

Ўша куни соат 14:00 ларда айтилган жойга бориб турдим. Соат кечки бешларда Ғайрат "ВАЗ-2101" русумли машинада келди. Сўнг у менинг машинамга ўтирди. "ВАЗ" автомашинаси ва ҳайдовчиси ўша ерда қолди.

Биз Кўриқ қишлоғидаги Комилжон Пайзиевнинг ҳовлисига бордик. Менинг машинамга қутиларга жойланган парфюмерия маҳсулотлари ва эркакларнинг оёқ кийимларини юклашди. Бундан ташқари, машинага А.Авакяннинг автомашинасига тегишли орқа ўриндиқларни ҳам ортиб, юклар устига хашак босдик.

Шу ўринда ушбу жиноий ҳаракатларнинг бош "режиссёри" бўлган Ғайрат Эшонқулов пихини ёрган шахс эканлигини таъкидлаб ўтиш керак. У бирор тасодиф рўй бериб, ноқонуний олиб келинган товарлар қўлга тушгудек бўлса, юк ўзига тегишли эканлигидан тониб юборишни режалаштириб қўйганди. Шу боис А.Авакян кутиб турган жойга етиб келгач, унинг машинасига ўтиб олди ва юк ортилган машина ҳайдовчиси Хайрулла Амиров ҳамда у билан қолган Комилжон Пайзиевларга:

— Мен сизларни Зоминда кутиб тураман, — дея йўлга тушди.

Устига хашак ортилган юк машинасининг ярим тунда келиши Янгиобод тумани, "Совот" постида хизмат вазифасини ўтаётган ЙПХ ва вилоят миллий хавфсизлик хизмати, божхона хизмати ходимларининг эътиборини тортмасдан қолмади. Автомашина тўхтатилиб, текширилиб кўрилганда, унинг устидаги хашак тагида Тожикистондан республикамиз божхона назоратини четлаб олиб ўтилган, декларациясиз, жами 25 943 800 сўмлик — 1462 комплект парфюмерия маҳсулотлари ва 778 жуфт эркаклар пойабзаллари борлиги маълум бўлди.

Ишнинг чаппасига кетганини кўрган Комилжон автомашина тўхтатилган заҳоти машинадан тушиб, жуфтакни ростлаб қолди. Лекин, "Бузоқнинг югургани сомонхонагача" эди.

Жиноят ишлари бўйича Янгиобод туман суди Ғ.Эшонқулов, К.Пайзиев, Х.Амиров ва А.Авакянларга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 182-моддаси, 2-қисмининг "а" банди, 184-моддаси 2-қисмининг "б" банди, 188-моддасининг 3-қисми "а" банди билан қўзғатилган жиноят ишини атрофлича кўриб чиқди. Жиноий ҳаракатлар ташкилотчиси сифатида Ғайрат Эшонқулов ва Комилжон Пайзиевларнинг ҳар бири 6 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Хайрулла Амиров ва Артур Авакянлар ҳар ойлик иш ҳақининг 30 фоизини давлат даромадига ушлаш шарти билан 3 йилдан ахлоқ тузатиш ишлари жазосига ҳукм қилиндилар.

Шунингдек, суд ҳукми билан республикамизнинг божхона назоратини четлаб олиб кирилган 1462 комплект парфюмерия маҳсулотлари ҳамда 778 жуфт эркаклар пойабзали давлат тасарруфига ўтказилди.

"Менинг нафсим балодур, ёнган ўтга соладур", деган ҳикматли нақлга амал қилмаган нафс бандаларининг қилмишлари ана шундай якун топди.

**О.ЮЛДАШЕВ,**
Янгиобод туман прокурори
**А.БОЛИБЕКОВ,** журналист

# Қилмишига яраша...

**Мардон МАМАТОВ,**
Касби туман прокурори ёрдамчиси

Халқимизда "Кўр ҳам ҳассасини бир марта йўқотади", деган мақол бор. Бундан бир бор хато қилган одам иккинчи марта қадамини ўйлаб босади, ҳушёр бўлади, деган маъно келиб чиқади. Бироқ ҳаётда шундай кимсалар ҳам учрайдики, улар учун адашиш, "ҳассасини ҳадеб йўқотавериш" одатий ҳолга айланган.

1975 йилда Қарши шаҳрида туғилган, икки фарзанднинг онаси Маъсуда Икромова (исм-фамилиялар ўзгартирилган) бир эмас, бир неча марта адашиб, суд ҳукми билан қилмишига яраша жазоланган. Аммо у бундан тегишли хулоса чиқариш ўрнига қайта-қайта жиноят содир этаверган. Панду насиҳат ҳам, уни тўғри йўлга солиш учун қилинган ҳаракатлар ҳам бесамар кетган. Акс ҳолда "эси борида этагини йиғиштириб" олган бўларди...

2010 йил 26 январь куни Қарши "Тижорат-буюм бозори"га кираверишдаги дўкон сотувчиси билан харидор Г.Ҳакимованинг савдолашиб турганидан фойдаланган Маъсуда стол устида турган 258 минг 200 сўмлик мол-мулкни ўғирлаб, жуфтакни ростлаб қолади.

Жорий йилнинг 7 февралида эса мазкур бозордаги аёллар кийим-кечаклари сотиладиган савдо дўконида сотувчи билан фуқаро Татьяна Рижова суҳбатлашиб туришганида, раста устидаги чарм сумкани олади-ю, кўздан ғойиб бўлади. Маълум бўлишича, сумканинг ичида 300 минг сўмлик "Нокия-7500" ҳамда 100 минг сўмлик "Моторола" русумли уяли телефонлар, 76 минг сўм пул, 120 АҚШ доллари ва ҳисобида 513 минг сўм бўлган икки дона пластик карточка, 100 минг сўмлик 4 дона флешка, 10 минг сўмлик бир дона интернет карточкаси, 3 минг сўмлик бир дона "Ўзбектелеком Интернейшнл" карточкаси, 200 минг сўмлик косметика буюмлари бўлиб, уларнинг умумий нархи 1 млн. 525 минг сўмдан ошар экан.

Суд жараёнида Маъсуда Икромова айбига иқрор бўлиб, 26 январь куни Г.Ҳакимовага тегишли мол-мулкни ўғирлаб, пулни ўз эҳтиёжи учун ишлатиб юборгани, "Нокия-3110" русумли уяли телефонни эса уйида сақлаб юрганини билдирган. Шунингдек, 7 февралда ўғирланган Т.Рижовага тегишли нарсаларни уйига олиб бориб, сумка ичидаги фуқаролик паспорти билан нафақа дафтарчасини ёқиб юборганини, "Моторола" русумли қўл телефонини бозор олдида нон сотувчи Шаҳло исмли аёлга 10 минг сўмга сотганини, флешкалар уйида эканлигини, телефон аппаратларини Қарши шаҳар ИИБ жиноят-қидирув бўлими ходимларига ихтиёрий равишда топширганлигини, жабрланувчи Т.Рижовага 100 минг сўм пул берганлигини, қолган пулларни ҳам имкон даражасида қайтаришни ваъда қилган.

Ҳа, Маъсуда айбига тўлиқ иқрор бўлиб, пушаймонлик билдирди ва икки нафар вояга етмаган фарзанди борлиги учун енгиллик беришни сўради. Бироқ қонун ҳимоячилари уни биринчи марта кўриб турганлари йўққу, гапларига, тавба-тазарруларига ишонишса. Одил суд жиноятчини қилмишига яраша жазолади. Айбланувчи ўзини хўрланган, ҳақоратлангандек тутди. "Башаранг қийшиқ бўлса, ойнадан ўпкалама" деганларидек, у аслида бировдан хафа бўлмай, ўз ҳаётини изга солиб олишни ўйлаши керак эди.

# Марилик «Дон Жуан»

**Алишер МИРАСИЛОВ,**
Тошкент шаҳар прокуратураси бўлим бошлиғи ўринбосари



Мана бир ой бўлдики, Олеся "муҳаббат" дея аталмиш туйғудан сархуш бўлиб юрибди. Очиғи, келишган, гапга чечан бу йигитни бир кўришдаёқ ёқтириб қолганини ўзи ҳам сезмай қолди. Ўз навбатида Евгений ҳам қўлдан келганча унинг кўнглини олишга ҳаракат қиларди. Улар тез-тез учрашишар, гоҳида эса йигит қизникида тунаб ҳам қоларди. Янги йил киришига саноқли кунлар қолганда Евгений яна уникида пайдо бўлди. Олеся дарҳол дастурхон тузади. Оз-оздан соғлиқ учун ичиб, тамадди ҳам қилишгач, йигит унинг қўл телефонини олиб, кимгадир қўнғироқ қилди. Аммо узоқ гаплашмади. Бироздан кейин Евгений ташқарига чиққач, Олеся унинг кимга қўнғироқ қилганини аниқлаш мақсадида ўша рақамни терган эди, қиз бола жавоб қилди.

— Кечирасиз, мен ким билан гаплашаяпман?

— Ҳуснораман. Ўзингиз ким бўласиз?

— Аҳамияти йўқ. Сиз Женяни қаердан танийсиз?

— Женя?! Танишим бўлади. Нега сўраяпсиз? Ўзингиз кимсиз?

Айни шу дамда хонага Евгений кириб қолди-ю, Олеся жавоб беришга улгурмади. Шунинг учун сир бой бермай, телефонни ўчириб қўйди. Шундан кейин йигит ҳам у билан хайрлашиб чиқиб кетдида, эртаси куни кечки пайт кириб келди. Салом-алик қилар-қилмай, унга тилла узук ҳадя қилди. Табиийки, бундай совғадан қизнинг боши осмонга етди.

— Бу сенга янги йил совғаси, — деди Евгений. — Мана буни бўлса, ўзимга сотиб олдим.

У шундай дея бўйнига осиб олган тилла занжирни кўрсатди...

* * *

Дониёр хотинининг туғилган куни эканлигини айтиб, ишдан эртароқ жавоб сўради-да, Сурайё ижарада истиқомат қилаётган квартирага ошиқди. У ичкарига кирганида, қайнанаси, қайнсингиллари ҳамда хотини билан бирга шу ерда яшайдиган Ҳуснора ҳаммалари туғилган кунни нишонлаётган эканлар. Дониёр ҳам кўп куттирмай даврага қўшилди. Шу пайт эшик тақиллаб, бегона бир йигит кириб келди. У қўлидаги гулни Сурайёга тутқазиб, уни туғилган куни билан табриклар экан, Ҳуснора вақтни ўтказмай йигитни Дониёр билан таништирди.

— Дониёр ака, бу киши Евгений — Женя... Яқинда танишганмиз. Сизга айтувдим-ку! Женя танишинг, бу киши эса, ҳамхонам Сурайёнинг турмуш ўртоғи Дониёр ака бўладилар...

Шундан кейин алламаҳалгача ўзаро суҳбатлашиб ўтиришди. Евгений гап орасида ўзининг Рязань шаҳридан эканлиги, сотиш учун анчагина пойафзал олиб келганини-ю Ҳуснора билан танишиб, уни ёқтириб қолганини айтиб берди. Меҳмонлар тарқалишлари арафасида Дониёр Женяни бир четга тортиб, ўзи йўқлигида бу ерга келмаслигини, агар бирор нарса керак бўлса, ўзи менеджер бўлиб ишлайдиган кечки клубга келиши мумкинлигини тайинлади. Женя ҳам унинг шартига дарҳол рози бўлди.

Бу воқеадан кейин улар фақат бир мартагина Дониёрнинг ишхонасида учрашишди. Ўшанда Женя Дониёрдан АҚШ долларини алмаштиришни илтимос қилиб келган экан. Дониёрдан рад жавобини олгач, индамай чиқиб кетди.

* * *

Декабрь ойининг ўрталарида Сурайё бетоб бўлиб, касалхонага тушиб қолди. Ҳуснора уни кўргани келиб, икки дугона у ёқ-бу ёқдан суҳбатлашиб ўтиришди. Бир маҳал Сурайёнинг эсига Женя тушиб қолди:

— Менга қара, Ҳусни. Женя билан учрашиб турибсизларми? Ҳали ҳам келиб турибдими?

— Негадир кўринмай қолди.

Бироздан кейин Ҳуснора шу билан 27 декабрда келишини айтиб, у билан хайрлашди. Аммо шу кетганча қайтмади. 28 декабрь куни Сурайёнинг ўзи қўнғироқ қилган эди, телефони ўчирилган экан. Сурайё ундан хавотир олиб, эртасига Саида исмли дугонасига телефон қилди. Бироқ Саида ҳам жўяли жавоб бермай, Ҳуснoранинг уйига борса, эшиги қулфлигини, ҳойнаҳой Женя билан бўлса керак, деб ўйлаётганини айтиб, уни хотиржам қилди-ю, кечки пайт ўзи унга қўнғироқ қилиб, овози титраганча:

— Ҳуснорани ўлдириб кетишибди, — деди зўрға...

* * *

Ўша куни Олесяникидан Ҳуснорага телефон қилиб, уникига бормоқчилигини айтган Женя, қизнинг онасиникида эканлигини эшитиб, жаҳли чиққандек бўлди. Нима учундир охирги пайтда Ҳуснора ундан ўзини олиб қочаётганини билмай, хуноби ошиб юрган эди. Мана бугун ҳам шунга аниқлик киритмоқчи эди, яна бўлмади. "Йўқ. Сен билан орани очиқ қилиб олишим керак. Қаерда бўлсанг ҳам кечқурун уйингга келасан". У шундай хаёллар билан ўзини овутиб ўтирдида, кеч бўлгач, Ҳуснoранинг уйига йўл олди.

Ҳуснoранинг уйига келгач, аламига босиб-босиб ичгач, асабий қўзиб, қизга тирғала бошлади. Аммо қиз ҳам бўш келмади. Охир-оқибат йигит унга қўл кўтарди-ю шу заҳоти ўзига ҳам мушт тушди. Энди Женя ўзини идора қилолмай қолди. Телефон симини узиб олиб, қизнинг қўл-оёғини боғлади. Ҳуснора бақирмоқчи бўлган эди, қўлига тушган дазмол билан бошига туширди. Бироз ўтиргач, нима жин урди-ю, сим билан қизнинг бўйнидан ўраб, бўға бошлади. У қўлларини бўшатганда, Ҳуснора нафас олишдан тўхтаган эди. Женя уни ўз ҳолига ташлади-да, қиздан тилла занжирни юлқиб олиб, бўйнига тақди. Узугини ҳам ечиб олгач, унинг қўл телефони, 600 минг сўм пули ҳамда 80 долларини чўнтагига тиқиб, ташқарига отилди. Эрталабгача тунги кафе ва барларда тентираб юргач, Олесянинг уйига келиб, қизнинг бармоғига Ҳуснорадан олган тилла узукни тақиб қўйди...

* * *

Олиб борилган тезкор саъй-ҳаракатлар натижасида эртаси куниёқ Туркманистоннинг Мари шаҳрида туғилган, 2009 йилнинг октябрь ойида эса ноқонуний йўллар билан Тошкентга келиб, бир вақтнинг ўзида икки қизнинг "кўнглини овлаган", охир-оқибатда эса улардан бирининг умрига зомин бўлган "Дон Жуан" қўлга олинди. Жорий йилнинг 28 апрелида жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди ушбу жиноят ишини кўриб чиқди ва Арсланов Евгенийни 17 йилга озодликдан маҳрум этиш ҳақида ҳукм чиқарди.

# Қўйга алмашилган «Дамас»

**Шариф МУҲСИНОВ,**
Вобкент туман прокурори ёрдамчиси
**Меҳринисо ҲУСАИНОВА,** журналист



— Баҳодир ака, ҳў-ў Баҳодир ака...

Пешин чоғи чақириб келган йигитчани Баҳодир танимади. Яна биров бормикан, дея кўча томон кўз югуртирди. Ҳеч ким кўринмади. Дарвоза олдида оқ рангли "Дамас" турарди.

— Лаббай.

— Баҳодир ака сизми?

— Ҳа, мени қаердан танийсан?

— Ҳисори қўй излаб юрибман, сотиб олмоқчиман. Кўчада қишлоқнинг уч-тўрт оқсоқолини учратдим. Кимда бор, десам, сизни айтишди.

— Ўзимда йўқ-ку, лекин акамда бор. Сотмоқчи бўлиб юрувдилар.

— Шуни бориб кўрайлик, ака.

Йигитчанинг чаққонлиги, гапга чечанлиги кўриб, "Дангал бола шекилли" деб ўйлаган Баҳодир Нажмиддин акаси билан гаплашиб берди. "Дамас"да биргалашиб далага — қўй кўргани боришди. Қўй "харидор"га маъқул бўлгач, савдолашиб 150 минг сўмга оладиган бўлди.

— Яна бўлса, иккита олардим, — деди у.

Йўлда тоғасини учратган Баҳодир "харидор" ҳисор зотли қўй излаб юрганини айтди. Тоға эса ўғли Умурда сотиладиган қўйлар борлигини билдирди. Баҳодир жияни билан "харидор"ни юзлаштирди-да, савдога аралашмай четда турди. Умур икки бош ҳисори қўчқорни 1 миллион 80 минг сўмга беришга рози бўлдида:

— Пулинг нақдми? — дея сўради.

— Ака, мана бу "Дамас"имни ака Баҳодирникига қўйиб кетаман. Тошкентдан харидор келиб, қўйларни сўйиб Нуротага олиб кетмоқчи. Улардан пулини олиб келтираман. Узоғи билан бугун кечқурун саккизда пул қўлингизда бўлади.

Умур ўйлангандек бўлди. Буни сезган йигитча бўш келмади.

— Ака, бир миллионингизга машинамни ташлаб кетяпман-ку.

Умур ҳам, Баҳодир билан унинг акаси ҳам йигитчага ишонишди. Қўчқорларни машинага ортиб Баҳодирникига боришди. Йигит айтганидек, "Дамас"ини қолдириб калитни Баҳодирнинг қўлига тутқазди. — Кеч саккизда шу ерда бўламан, — таъкидлади йигит.

Харидорнинг илтимосига кўра Баҳодир қўйларни акасининг машинасига юклаб, Шофиркон бозоригача бирга борди.

— Исминг нима, қаерликсан? — сўради Нажмиддин ака.

— Бобир, Мирзоқул қишлоғиданман. Йигит бозор олдида тушиб қолди.

Соат кечки тўққиз бўлди ҳамки, "харидор" бола келмади. Баҳодирнинг икки кўзи йўлда. Бу орада Умур ҳам қўнғироқ қилиб йигитни сўради. Тонг отди. На бировдан, на пулдан дарак бўлди. Нажмиддин ака машинада бирор ҳужжатми, телефон рақамими бўлса эгасини топармиз, деган умид билан "Дамас"нинг эшигини очди. Машинанинг олд ойнасига қистирилган суғурта қоғозини ўқиди-ю, ранги ўзгарди:

— Машина Вали деган кишиники экан.

— Милицияга бормасак бўлмайди-ёв, ака... — деди Баҳодир хавотирини яширолмай.

Участка нозири кеча оқ рангли "Дамас" олиб қочилгани ҳақида маълумот борлигини айтди. ИИБ ходимлари автомашинани олиб кетишди.

* * *

Вали Камолов "Дамас" автомашинасини Вобкент автошоҳбекатига қолдириб, туман ИИБга юмуш билан кириб кетди. Кўнглида бир хавотир сезгандек узоқ қолиб кетгани учун ҳар ярим соатда машинасидан хабар олиб турди. Аммо соат ўн бир яримларда чиққанида машинасини қўйган жойида кўрмади. Атрофдагилардан сўради. Шоҳбекат гавжум бўлса-да, биров кўрдим демайди. Эшигини калит билан қулфлагани аниқ эсида, калити эса қўлида.

— Ака, бир бола шу ердан турган "Дамас"ни Бухоро томонга ҳайдаб кетди, — деди кимдир.

В.Камолов ИИБга автоулови ўғирлаб кетилгани ҳақида ариза берди.

* * *

Достон Сармижон қишлоғида яшайди. Қоровулбозор саноат ва транспорт касб-ҳунар коллежининг 3-босқич талабаси. У оила даврасида қурилиши чала қолган ҳовли ҳақида гап кетганда ўйланиб қоларди: "Тўрт-беш сўм пул топиб қурилиш материалларини олса-ю, рўзғорнинг камкўстини ямаса. Улғайиб, бир корга яраганини катталар айтиб мақтаса, ёмонми". Шу хаёл унинг бутун ақлини шум ниятга қул қилди. Энди у қандай бўлмасин пул топиш ҳақида режа туза бошлади. Вобкент туманига ҳам уни айнан шум нияти етаклаганди.

Автошоҳбекатда эгасиз турган "Дамас"ни кўриб, атрофни анча кузатди. Биров бу автомашинага яқинлашмас, кўчада ўтиб-қайтувчилар ҳам ўз ташвиши билан юрибди. Демак, "Дамас"нинг эгаси яқин жойда эмас" ўйлади Достон. Отасининг "Дамас"и калитини ўзи билан олиб чиққани қўл келди. Чўнтагидан калитни олиб, эшик қулфига солиб кўрди. Очилди. Ўриндиққа ўтириб, машинани ўт олдириш учун калит билан буради. Рул қулфи ярқсиз бўлгани учун машина ўт олди. Достон фурсатни бой бермай, машинани топишгунча режасини амалга оширишга улгуришни кўзлаганди.

Шофирконнинг Талисафет қишлоғидагилар молга яхши қарашини, ҳар қандай туёқ оғир вазн беришини эшитгани учун ўша қишлоққа йўл олди. Қишлоқ масжиди олдига етганда йўлдаги қарияларни кўриб, тўхтадида, улардан қўй сотадиган бирор киши бор-йўқлигини сўради. Чоллар Баҳодирга учрашиш кераклигини айтишгач, унинг уйини излаб топди.

Достон, "қўшни туман, машинанинг эгаси қаердан-у мен қаердан, исмим, манзилимни айтмасам ким ҳам мени топарди", дея қаттиқ ишонганди. Шунинг учун Баҳодирларга ўзини мирзоқуллик Бобир деб таништирганди. Совлиқларни қўлга киритгач, "Шофиркон-Ғиждувон" йўналиши бўйича қатновчи бошқа бир "Дамас"ни ушлаб, Жогаре қишлоғига олиб боришни сўрайди. Шу манзилда тандир кабоб пиширадиган ошпаз ҳақида эшитганди. Ошпаздан бошқа одамнинг манзилини олган Достон уни ҳам излаб топди ва учала совлиқни 1 млн. 40 минг сўмга пуллади. Савдога кўмаклашгани учун "Дамас" ҳайдовчисини ошиқчаси билан сийлади. Ҳайдовчи мижозининг саҳийлигидан хурсанд бўлиб, Сармижон қишлоғи бурилишигача олиб бориб қўйди.

Қишлоғига қайтган Достон уста Абдиникига борди. У билан тахта ва "ДВП" сотиб олишди. 150 минг сўмга юк машинаси ёллади. Қишлоқдаги магазиндан бўлган 130 минг сўм қарзини ҳам шу куниёқ тўлади. Эртаси куни қолган пул билан Ғиждувон бозорига тушиб, кийим-кечак, телефон сотиб олди. Ортган пулни бошқа харажатлари учун сарфлашни кўзлаб, Қоровулбозор туманига ўқишга кетди.

* * *

Орадан икки кун ўтиб Шофирконга келган "Дамас" ҳайдовчиси ИИБ ходимлари қўй ташилган "Дамас"ни излашаётганини эшитиб қолади. Дарҳол туман ИИБга бориб бўлган воқеани айтиб беради...

Шундай қилиб, Достон Абдуллаев транспорт воситасини олиб қочиш ва фирибгарлик жиноятларини содир этганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг тегишли моддаларига кўра, уч йил-у олти ой муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

# Разолат ботқоғи

/Давоми. Бошланиши 7-бетда/

Улар кўп ўтмай учрашишди. Мажид унга келгусидаги режалари-ю, "иш"ни қайси усулда олиб бормоқчи эканлигини гапириб берган эди, Анвар айни дамда Зафарнинг гуруҳида эканлигини айтиб, эътироз билдирди. Унинг жавобини эшитган Мажид, энди Зафар билан қизиқиб қолдида, у билан учрашмоқчи бўлди. Ниҳоят маълум вақтдан бери пойтахтнинг бир қанча ҳудудида босқинчилик фаолияти билан шуғулланиб келаётган гуруҳнинг бошлиғи билан, бу ишнинг пиллапояларидан кўтарилишни бошлаган бўлғуси гуруҳбоши бақамти бўлишди. Улар бу суҳбат чоғида нималарни гаплашишгани бизга қоронғу, аммо Мажид Зафарнинг унга қўшилиш ҳақидаги таклифини рад этди. Бунинг сабаби эса кейинчалик маълум бўлди. Агар унга қўшилсак, дея ўзича фикр юритди Мажид, биринчи галда топган тушумнинг баракаси кетади. Ишни салгина йўлга қўйиб олгач, Зафарни йўқ қилиш йўлини топишим керак. Тўдабоши бўлишни ким ҳам хоҳламайди, ахир!

Кўп ўтмай Мажид ўзи хоҳлаган "лавозим"ни эгаллаш учун қулай вақт келганини сезди. Шундай қилиб, 2010 йилнинг 10 январь куни Мажид Ёдгор билан Анварни ёнига олиб, Зафарнинг жазмани Оксананинг уйига йўл олди. Кутганидек, "шеф" ёлғиз ўзи экан. Ўтириб, анчагача маишат қилишди. Вақт ярим кечага боргач, Зафарни уйқу элтди. Бундан фойдаланган учовлон унинг уйини ағдар-тўнтар қилиб, пул ва тилла қидира бошлашган ҳам эди, мезбон уйғониб қолди. Мажид ўзини йўқотмай, дарҳол "ҳужум"га ўтди.

— Зафар, қанақа шериксан ўзи? Нимага Анварнинг "хотини"нинг телефонини ўғирладинг?

Ҳам маст, ҳам ҳали уйқуси деярли ўчмаган Зафар унинг нима деяётганини тушуниб ҳам улгурмай, Анвар телефон симини узиб олиб, бўйнига сиртмоқ қилиб ташлади. Мажид билан Ёдгор ҳам шу заҳоти Зафарнинг дуч келган жойига ура бошлашди. Бироздан кейин қарашса, Зафарнинг жони узилибди. Вақтни ўтказмай, мурдани уйнинг ертўласига олиб тушишди. Шу пайт маст ҳолатда уй бекаси Оксана кириб келди. У уй ичида Зафарни қидириб тополмагач, ертўлага тушган ҳам эди, Мажид шериклари билан орқасидан тушиб, уни ҳам бўғиб ўлдиришади. Сўнгра иккала жасадни ваннахонага олиб кириб, бўлакларга бўлишадида, сумка ҳамда чемоданларга солишади ва машина кира қилиб, Қибрай туманидан оқиб ўтувчи каналга ташлаб юборишади.

* * *

Жорий йилнинг сентябрь ойида Тошкент вилоят судида ушбу уюшган жиноий гуруҳ аъзоларига нисбатан қўзғатилган жиноят иши кўриб чиқилди ва суднинг ҳукмига кўра Насирходжаев Мажиддинхонга 25 йил, Раҳмонбердиев Анвар билан Раҳмонов Ёдгорга 24 йилдан ҳамда уларнинг қолган шерикларига ҳам қилмишларига яраша озодликдан маҳрум этиш жазолари тайинланди. Айтмоқчи, ушбу жазодан гуруҳнинг тилга олинмаган аъзоси, яъни ўғирланган телефон аппаратларини сотиб олиш ҳамда ўтказиш билан шуғулланган Азизбек Эргашев ҳам жазодан бебаҳра қолмади. Гуруҳ томонидан етказиб берилган телефонларни сотиш орқали мазкур кимса, 2009 йилнинг октябридан 2010 йилнинг апрелигача нақд 6 миллион 300 минг сўм фойда кўрган. У бу қилмиши учун 7 йилу олти ой муддатга озодликдан маҳрум этилди.

ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН * ЭЪЛОН

## Ҳурматли юртдошлар!

**«Асака» банки (ОАЖ) Сизларни яқинлашиб келаётган Конституция куни билан табриклайди ва қуйидаги янги, муддатли омонат турларини таклиф этади**

ASAKA BANK

### Миллий валютадаги омонат «Файзли-1»

**Сақланиш муддати – 1 йил,**

**ҳисобланган фоизлар ҳар ойда ёки омонат ёпилгандан сўнг берилади.**

### Хорижий валютадаги омонат «Стимул-1» АҚШ долларида

**Сақланиш муддати – 1 йил,**

**ҳисобланган фоизлар омонат очилганда ёки ёпилгандан сўнг берилади.**

**Ушбу омонат турларини банкнинг барча филиалларида очиш мумкин.**

**Мурожаат учун:**
**120-39-81, 120-39-60, 120-39-63**

| Филиаллар | Код | Телефон |
|---|---|---|
| Тошкент шаҳари филиали | 371 | 120-83-13 |
| "Автотранспорт" филиали | 371 | 120-39-95 |
| Шайхонтоҳур филиали | 371 | 140-39-36 |
| Юнусобод филиали | 371 | 225-16-46 |
| Сергели филиали | 371 | 258-67-49 |
| Тошкент вилояти филиали | 371 | 120-84-13 |
| Андижон вилояти филиали | 374 | 224-40-96 |
| Асака филиали | 374 | 233-13-69 |
| "Фарҳод" филиали | 374 | 229-97-53 |
| Фарғона вилояти филиали | 373 | 224-70-83 |
| Марғилон филиали | 373 | 237-12-37 |
| Олтиарик филиали | 373 | 432-10-11 |
| Қўқон филиали | 373 | 552-61-04 |
| Наманган вилояти филиали | 369 | 226-94-75 |
| Навоий вилояти филиали | 436 | 223-54-32 |
| Зарафшон филиали | 436 | 573-18-78 |
| Бухоро вилояти филиали | 365 | 223-71-94 |
| Бухоро шаҳари филиали | 365 | 770-11-27 |
| Самарқанд вилояти филиали | 366 | 231-08-86 |
| "Афросиёб" филиали | 366 | 234-17-96 |
| Қашқадарё вилояти филиали | 375 | 221-12-93 |
| Сурхондарё вилояти филиали | 376 | 770-82-12 |
| Қоракалпоғистон филиали | 361 | 223-72-47 |
| Хоразм вилояти филиали | 362 | 226-97-78 |
| Сирдарё вилояти филиалаи | 367 | 225-44-03 |
| Жиззах вилояти филиали | 372 | 226-43-11 |

*«Асака» банки (ОАЖ) сармоянгизни сақланиши ва кўпайишини кафолатлайди.*
*Барча омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.*

*Сизнинг омонатларингиз:*
*— солиқлар ва мажбурий тўловлардан озод*
*— маълумотлари сир сақланиши тўлиқ кафолатланади*
*— эгалик ва тасарруф ҳуқуқи ўз ихтиёрингизда*
*— миқдори чекланмаган*

Хизматлар лицензияланган

## «Aktiv Broker» ДК биржа савдоларига таклиф этади!

**2011 йил 30 декабрда "Тошкент шаҳар Муниципал биржа маркази" МЧЖнинг биржа савдоларига чиқарилаётган давлат корхоналари, обьектлари (улуш, мол-мулклари) рўйхати**

| № | Мулкнинг номи | Баланс сақловчининг номи ва манзили | Мулкнинг манзили | Давлат активининг қисқача тавсифи | Мулкнинг бошланғич нархи (сўм) |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | "XO`JALIK VA QURILISH MOLLARI" МЧЖнинг 24,33 % фоиз давлат улуши | "XO`JALIK VA QURILISH MOLLARI "МЧЖ | Тошкент шаҳри Ҳамза тумани Шоҳсанам кўчаси, 85-уй. | Жамият хўжалик ва қурилиш моллари бўйича улгуржи савдо фаолиятини амалга оширади . | 1 678 929 100 |
| 2 | "4-son TA`MIRLASN QURILISH YIG`ISN BOSHQARMASI" МЧЖнинг 97,0 % фоиз давлат улуши | "4-son TA`MIRLASN QURILISH YIG`ISN BOSHQARMASI" МЧЖ | Тошкент шаҳри Сергели тумани С.Толипов кўчаси, 3-уй. | Жамият қурилиш ва монтаж ишлари билан шуғулланади. | 509 269 500 |
| 3 | "TOG`-GEOLOGIYA JAMLAMA EKSPEDITSIYASII" МЧЖнинг 25,0 % фоиз давлат улуши | "TOG`-GEOLOGIYA JAMLAMA EKSPEDITSIYASII" МЧЖ | Тошкент шаҳри Яккасарой тумани Мирокилов кўчаси, 68А-уй. | Жамият геология изланиш ишлари билан шуғулланади. | 213 877 100 |
| 4 | "MAXSUSBUTLASNGAZI" МЧЖнинг 31,55 % фоиз давлат улуши | "MAXSUSBUTLASNGAZI" МЧЖ | Тошкент шаҳри Мирзо Улуғбек тумани Олмачи кўчаси, 68А-уй. | Жамият 1993 йилдан бошлаб божхонада ҳужжатларни расмийлаштириш ишлари билан шуғулланиб келмоқда. | 545 125 900 |

Қўшимча маълумотлар ва саволлар учун "Aktiv Broker" ДК мурожаат қилишингиз мумкин. Тел. 233-52-45, 233-27-19, 233-38-69, Email: aktiv_broker@mail.ru, www.gki.uz, www.gki.torg.uz, Манзил: Тошкент шаҳри Бухоро кўчаси, 10-уй ҳамда ДМК Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси тел. 233-35-08.

## «Respublika Mulk-Auksioni» ДК Фарғона вилоят филиали очиқ аукцион савдоларига таклиф қилади!

1. Ўзбекистон Республикаси Давлат Мулкини бошқариш қўмитасининг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасининг 2010 йил 26 ноябрдаги 24-пр-сонли буйруғига асосан 2010 йил 30 декабрь куни соат 10:00 дан бошлаб бошланғич баҳосининг ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Боғдод тумани, Орзу кўчаси, 46-уйда жойлашган "Боғдод моддий техника таъминоти" масъулияти чекланган жамиятининг 97,0 фоиз давлат улуши қўйилади. Бошланғич баҳоси - 2 060 679 000 сўм.

Ушбу савдо кунида сотилмай қолган объектнинг такрорий очиқ аукцион савдоси 2011 йил 11, 18, 25 январь кунлари соат 10:00 да ўтказилади.

2. 2010 йил 30 декабрь куни соат 11:00 дан бошлаб бошланғич баҳосининг ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Фарғона вилояти "Фарғона дори-дармон" ОАБ нинг қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади.

1. 1989 йилда и/ч техник носоз "ИЖ-2715", давлат белгиси 15 AL 178, бошланғич баҳоси 319 900 сўм.

2. 1987 йилда и/ч техник носоз "ГАЗ-5201", давлат белгиси 15 AL 176, бошланғич баҳоси 317 520 сўм.

3. 1968 йилда и/ч техник носоз "ГАЗ-53", давлат белгиси 15 AD 854, бошланғич баҳоси 317 520 сўм.

4. 1969 йилда и/ч техник носоз ГАЗ-53", давлат белгиси 15 AL 179, бошланғич баҳоси 304 820 сўм.

Ушбу савдо кунида сотилмай қолган транспорт воситасининг такрорий очиқ аукцион савдоси 2011 йил 11, 18, 25 январь кунлари соат 11:00 да ўтказилади.

Аукцион савдолари Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 43-уй, 1-қават, 48-хонада бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар закалат келишуви тузилганидан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Respublika Mulk-Auksioni" ДК Фарғона вилояти филиалининг ОАТ "Турон" банк Фарғона бўлими МФО: 00498 ИНН: 206761326, 20210000704537599019 ҳисоб рақамига тўлашлари ва қуйида кўрсатилган аукцион савдоси ҳужжатларини топширишлари керак. Аризалар қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 3 соат олдин тўхтатилади.

**Қўшимча маълумот олиш манзили:** 150100, Фарғона шаҳри, Ал-Фарғоний кўчаси, 43-уй, 1-қават, 48-50-хоналар Тел/факс: (8 373) 229-70-20, 332-00-03, 483-00-00 **E-mail:info@mulk.uz**

## «Respublika Mulk-Auksioni» ДК Наманган вилоят филиали очиқ танлов ва очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

I. Қўшимча сармоя киритиш мажбуриятини олиш тартибидаги танлов савдосига Наманган шаҳрида жойлашган "Ибрат номли босмахонаси" МЧЖ устав жамғармасидаги 93,62 фоиз давлат улуши қўйилади. Бошланғич баҳоси- 2 060 633 033 сўм.

Жамиятнинг умумий ер майдони 8336,88 кв. метр, қурилиш майдони 5933,42 кв. метр, ички фойдали майдони 5844,95 кв. метр, асосий хоналар сони 180 та.

Танлов савдосининг асосий шартлари: энг юқори сотиб олиш тўловини таклиф этиш, энг юқори инвестиция киритиш, замонавий нашриёт ва матбуот уйи ташкил этиш, янги иш ўринлари ташкил этиш мажбуриятини олиш, сотиб олиш қиймати ва инвестиция киритишни қисқа муддатларда амалга ошириш.

Танлов савдоси ва талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертларни очиш 2010 йил 31 декабрь куни соат 16:00 дан бошлаб Наманган шаҳри, Банк кўчаси, 9-уйда бўлиб ўтади.

Танлов ҳужжатлари, улар учун Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдоридаги тўловни амалга оширилганидан кейин ҳамда тўловни амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилгандан сўнг олиниши мумкин. Талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини ва танлов ҳужжатлари учун тўловни "Respublika Mulk-Auksioni" ДК Наманган вилояти филиалининг қуйида берилган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади.

Ушбу кунда танлов савдоси бўлиб ўтмаган деб эътироф этилса, такрорий танлов савдоси ва талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертларни очиш 2011 йил 7, 14, 21 январь кунлари соат 16:00 дан бошлаб ўтказилади. Танлов ҳужжатлари рўйхати қуйида берилган.

II. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги 343-сонли қарорига мувофиқ қуйидаги автотранспорт воситалари 2010 йил 30 декабрь куни соат 15:00 дан бошлаб бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидаги ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига қўйилади:

1. Чуст тумани, Гагарин кўчаси, 16-уйда жойлашган Чуст тумани ДСЭНМ балансидаги 1991 йилда и/ч таъмирталаб "ВАЗ-2121", д/б 16 AE 259, бошланғич баҳоси 437 212 сўм; 1990 йилда и/ч таъмирталаб "УАЗ-3132", д/б 16 AC 424, бошланғич баҳоси 314 005 сўм.

2. Янгиқўрғон туман ДСЭНМ балансидаги Янгиқўрғон шаҳарчаси, Наманган кўчасида жойлашган 1990 йилда и/ч таъмирталаб "РАФ-22031", д/б 16 AG 254, бошланғич баҳоси 783 458 сўм.

3. Косонсой шаҳри, А.Бобоева кўчасида жойлашган Косонсой туман ДСЭНМга қарашли 1981 йилда и/ч таъмирталаб "ГАЗ-5204", д/б 16-62 НАМ, бошланғич баҳоси 397 100 сўм.

Ушбу кунда сотилмаган тақдирда транспорт воситаларининг такрорий аукцион савдолари ҳар ҳафтанинг чоршанба кунлари сотилгунга қадар соат 15:00да бўлиб ўтади.

2010 йил 30 декабрь шу куни сотилмаган тақдирда 2011 йил 6, 13, 20 январь кунлари соат 11:00да ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Норин тумани, Қўрғонтепа ҚФЙ, Катта Ўлмас массиви ҳудудидан фуқароларга мерос қилиб қолдириш шарти билан умрбод эгалик қилиш учун сотиш ҳуқуқисиз якка тартибда уй-жой қуриш учун сатҳи 400 кв. метрдан иборат 9-сонли ер майдони қўйилади, бошланғич баҳоси 200 000 сўм.

Аукцион савдолари Наманган шаҳар, Банк кўчаси 9-уйда, вилоят давлат мулки бошқармаси биносининг савдолар залида ўтказилади. Аризалар қабул қилиш транспорт воситалари учун савдо ўтказилишидан 3 (уч) соат, ер майдони бўйича 3 кун олдин тўхтатилади.

Талабгорлар "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолагандан сўнг транспорт воситалари бошланғич баҳосининг 15 фоизидан, ер майдони бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини қуйида кўрсатилган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

"Respublika Mulk-Auksioni" ДК Наманган вилоят филиалининг банк реквизитлари: АТИБ "Ипотека банк" Наманган бўлими МФО-00223, СТИР 206761326, ҳ/р 20210000404537599004.

**Қўшимча маълумот ва танлов ҳужжатларини олиш манзили:** 160100, Наманган шаҳри, Банк кўчаси, 9-уй, 1-қават, 15 хона. Тел/факс: (8 369) 223-04-01, 226-41-66. **www.mulk.uz** **E-mail: info@mulk.uz**

## «Respublika Mulk-Auksioni» ДК Бухоро вилоят филиали очиқ танлов ва очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

I. Қўшимча сармоя киритиш мажбуриятини олиш тартибидаги танлов савдосига қуйидаги объектлар қўйилади.

1. Бухоро вилояти, Қоровулбозор туманида жойлашган "Узпарқурилиш" ОАЖ балансида бўлган "Қурилиши тугалланмаган бино". Бошланғич баҳоси - 411 063 304 сўм.

Танлов савдосининг асосий шартлари; объект қурилишини тугатиш, энг юқори миқдорда сармоя киритиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини юритиш.

2. Бухоро вилояти, Қоровулбозор тумани, Ноғоратепа аҳоли пунктида жойлашган Вобкент туман "Янги ҳаёт ариғи" СФУга қарашли "Қурилиши тугалланмаган бино". Бошланғич баҳоси -27 740 035 сўм.

Танлов савдосининг асосий шартлари: объект қурилишини тугатиш, энг юқори миқдорда сармоя киритиш ҳамда тадбиркорлик фаолиятини юритиш.

Танлов савдоси ва талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертларни очиш 2010 йил 31 декабрь куни соат 15:00 дан бошлаб Давлат мулк қўмитаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси биносининг 4-қаватида бўлиб ўтади.

Танлов ҳужжатлари, улар учун Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдоридаги тўловни "Respublika Mulk-Auksioni" ДК Бухоро вилояти филиалининг қуйида берилган ҳисоб рақамига тўлов амалга оширилганидан кейин ҳамда тўловни амалга оширилганлигини тасдиқловчи ҳужжат нусхаси тақдим этилгандан сўнг олиниши мумкин. Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 3 (уч) соат олдин тўхтатилади.

Ушбу кунда танлов савдоси бўлиб ўтмаган деб эътироф этилса, такрорий танлов савдоси ва талабгорларнинг таклифлари билдирилган конвертларни очиш 2011 йил 14, 28 январь, 11 февраль соат 15:00 дан бошлаб юқоридаги манзил ва шартларда ўтказилади. Танлов ҳужжатлари рўйхати қуйида берилган.

II. 2010 йил 31 декабрь куни соат 12:00 дан бошлаб бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидаги ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига Бухоро вилояти, Қоровулбозор туманида жойлашган "Қоровулбозор нефтегаз ишчилар таъминоти" МЧЖнинг 64,01 фоиз давлат улуши қўйилади. Бошланғич баҳоси - 851 405 094 сўм.

Аукцион савдолари Давлат мулк қўмитаси Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси биносининг 4-қаватида бўлиб ўтади. Аризалар қабул қилиш аукцион савдоси бошланишидан 3 соат олдин тўхтатилади.

Ушбу савдо кунида сотилмай қолган объектнинг такрорий очиқ аукцион савдоси 2011 йил 14, 28 январь, 11 февраль кунлари соат 12:00 да ўтказилади.

Аукцион савдоси ҳужжатлари рўйхати қуйида берилган.

Танлов ва аукцион савдоларида қатнашиш истагини билдирган талабгорлар закалат келишуви тузилганидан сўнг объект бошланғич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "Respublika Mulk-Auksioni" ДК Бухоро вилояти филиалининг "Ипотека банк" АТИБ "Сардор" филиали МФО 00119, СТИР 206761329, 20210000204537599009 ҳисоб рақамига тўлашлари шарт.

Қўшимча маълумот ва танлов ҳужжатларини олиш манзили: 200118, Бухоро шаҳри, Ўзбекистон Мустақиллиги кўчаси, 10-уй, 3-қават. Телефон: (8-365) 223-69-62, факс: 770-04-01 Электрон манзил: **Bux_RMA_DK@inbox.ru**

Танлов савдоларида қатнашишни истаган талабгорлар ўз сармоявий таклифлари ва қуйидаги ҳужжатларни 2 нусхада топширишлари шарт: танлов қатнашчисининг талабномаси; танлов ҳужжатлари, шу жумладан, таъсис ҳужжатлари нусхалари (устав, таъсис шартномаси, гувоҳнома) хорижлик сармоядорлар - ҳуқуқий шахслар учун Ўзбекистон Элчихонаси ёки улар вакил бўлган давлатнинг Ўзбекистондаги Элчихонаси тасдиқлаган таъсис ҳужжатлари нусхалари (нотариал тасдиқланган ҳолда); талабгорга хизмат кўрсатувчи банкининг (ёки халқаро аудиторлик хизматининг) маълумотномаси; танлов савдоси объектига талабгор таклиф этаётган сотиб олиш суммаси ва уларни тўлаш муддати, инвестиция мажбуриятларининг таклиф этилаётган суммаси, уларни тўлаш шакли, муддати ва шартлари аниқ кўрсатилган ҳолда икки нусхада конвертда маҳкамланиб, муҳрланиб тақдим этилиши лозим; закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси ва талабгорнинг реквизитлари; жисмоний шахслардан паспорт нусхаси; ваколатли вакилнинг танловда қатнашиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома, шахсини тасдиқлайдиган ҳужжат нусхаси ва бошқалар илова қилинган ҳолда. Ҳужжатлар шахсан ваколатли вакил топшириши ёки почта хизмати орқали жўнатилиши, шунингдек, тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

**Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги ҳужжатларни 2 нусхада топширишлари керак: юридик шахслар давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини, жисмоний шахслар паспорт нусхаси, закалат пули тўланганлиги ҳақида тўлов ҳужжати нусхаси, ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда расмийлаштирилган ишончнома.**

**Билдириш:** *"Нидид" газетасининг 2010 йил 14 октябрдаги 41(718)-сонида чоп қилинган эълонда "Respublika Mulk-Auksioni" ДК Самарқанд вилоят филиали очиқ аукцион савдоларига қўйилган Самарқанд вилояти, Пастдарғом туманида жойлашган "Улуғбек ИЧТБ" МЧЖнинг 10,736 фоиз давлат улишининг бошланғич баҳоси 230 435 400 сўм деб ўқилсин.*

## «Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ Самарқанд вилоят филиали бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган такрорий очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Аукцион савдосига ДМҚ Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда 2010 йил 18 ноябрдаги 15-Па-сонли буйруққа асосан, Булунғур тумани "Бешқўтон" ҚФЙ, Каттақишлоқ қишлоғи ҳудудидан ҳар бирининг майдони 600,0 кв.метрдан бўлган жами 2 та, 1 ва 2-сонли ер участкалари умрбод эгалик қилиш ва мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан қўйилмоқда. Ҳар бир ер майдонининг бошланғич баҳоси - 102 984 сўм.

Аукцион савдоси 2010 йил 28 декабрь куни соат 11:00дан бошлаб ўтказилади.

Талабгорлар диққатига! 2010 йил 28 декабрдаги аукцион савдосида сотилмай қолган ер участкаларининг такрорий аукцион савдолари 2011 йил 18 январь ҳамда 4 февраль кунлари сотилгунга қадар бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аукцион савдолари юзасидан барча маълумотларни (8366) 233-80-56 телефон рақами ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий веб-сайти орқали олишингиз мумкин.

Талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига 3 (уч) кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан мулк бошланғич баҳосининг 50 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини РКМБ Самарқанд вилоят филиалининг АТ "Турон" банк Самарқанд шаҳар филиалидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: ҳ/р: 20210000300571452123, МФО: 00282, ИНН: 200933850. Манзил: Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 85А-уй. Тел: (8366) 233-80-56. **www.rkmb.uz**

## «Diling savdo» МЧЖ очиқ аукцион савдоларига таклиф этади!

Савдога Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Бунёдкор шоҳ кўчаси, 156А-уйда жойлашган "Chilonzor buyum bozori"ОАЖ балансидаги қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:

1. 2003 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 01/507 WAA бўлган Опель-Омега. Бошланғич нархи - 19 755 000 сўм. Закалат - 3 500 000 сўм.

2. 1980 йилда ишлаб чиқарилган, д/р 10 АН 980 бўлган ЗИЛ ПМ-130Б (водовоз). Бошланғич нархи - 1 000 000 сўм. Закалат- 200 000 сўм.

Аукцион савдолари 2011 йил 4 январь куни соат 15:00да бошланади. Сотилмаган объектлар 2011 йилнинг ҳар сешанба кунлари ўтказиладиган савдоларга сотилгунга қадар қўйилади.

Савдода қатнашиш истагини билдирган талабгорлар автотранспорт воситалари бошланғич нархининг юқорида кўрсатилган миқдорда закалат пулини савдо ташкилотчиси "Diling savdo"нинг АИКБ "Ипак йўли"даги MFO 00444, СТИР 301623196, 20208000904852353001 сонли ҳисоб рақамига закалат пули тўғрисидаги келишувга асосан тўлайдилар.

Аризаларни қабул қилиш савдо кунидан бир кун аввал тўхтатилади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичида олди-сотди шартномасини имзолаш шарти юклатилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани М-14, 19-уй.

Телефон/факс: 244-88-04. Электрон почта: **auksion@bk.ru**

**Гувохнома: № 001568 - 09**

# Эл-юртга бахшида умр



***Прокуратура фахрийси Нурилла Абдуллаев табаррук 85 ёшни қаршиламоқда. Узоқ йиллар мобайнида Қорақалпоғистон Республикасида эл-юрт тинчлиги ва осойишталигини таъминлашдек масъулиятли вазифани бажарган Нурилла Абдуллаев қаерда ва қайси лавозимда ишламасин билимдон ва самимий инсон сифатида жамоатчилик орасида катта эътибор қозонди.***

Нурилла Абдуллаевичнинг Иккинчи жаҳон урушида кўрсатган жасорати ҳамда фидойилиги ҳам алоҳида ҳурмат ва эҳтиромга лойиқ. Уруш йилларида кўрсатган матонати учун бир неча бор давлат мукофотлари, орден ва медаллар билан тақдирланди.

Нурилла ака Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ бандитизмга қарши кураш алоҳида бўлимининг терговчиси, катта терговчиси, Қўнғирот туман ИИБ бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ-МГБ тергов бўлими бошлиғи, Нукус шаҳар прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси адлия вазирининг биринчи ўринбосари лавозимларида фаолият кўрсатди.

Иш жараёнида меҳнатсеварлиги, талабчанлиги, фидойилиги, изланувчанлиги, ташкилотчилиги билан маъмурий орган ходимлари орасида ҳурмат қозонди. Нурилла ака халқимизга сидқидилдан хизмат қилиб, фидойи инсон, моҳир ҳуқуқшунос сифатида танилди. Бугун ҳамкасблари ва шогирдлари унинг босиб ўтган йўлини ҳурмат билан тилга олишмоқда.

Нурилла аканинг меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланиб, "Шуҳрат" ва "Жасорат" медаллари ҳамда "Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист" унвони билан тақдирланди.

Набиралар қуршовида қарилик гаштини сураётган Нурилла ака бугунги дориломон кунларга етгазганига шукроналар қилмоқда.

Ҳурматли Нурилла Абдуллаевич, қутлуғ 85 ёшингиз муборак бўлсин! Сизга соғлик-саломатлик, оилангизга тинчлик-осойишталик тилаймиз.

# Бурчига садоқатли



***Прокуратура фахрийси Аскербай Уразбаев қутлуғ 70 ёшни қаршиламоқда.***

Аскербай ака 35 йилдан ортиқ меҳнат фаолияти давомида Нукус шаҳар прокуратураси иш ўрганувчиси, терговчиси, Тахтакўпир туман прокуратураси терговчиси, Тахтакўпир туман суди судьяси, Тахтакўпир туман прокурори, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратураси катта терговчиси вазифасини бажарувчи, Хўжайли туман суди судьяси, Шуманай туман суди судьяси, Қорақалпоғистон Олий суди аъзоси, Нукус шаҳар суди судьяси, Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлигининг катта маслаҳатчиси, Қорақалпоғистон Республикаси прокуратурасида бўлим прокурори, бўлим бошлиғи, Нукус шаҳар прокурори ёрдамчиси, катта ёрдамчиси вазифаларида фаолият юритди.

Аскербай ака ҳамкасблари орасида бурчига садоқати ва самимийлиги билан ҳурмат қозонди. Унинг тўғри йўлни кўрсатиб, виждонан ишлашни ўргатган шогирдлари ҳозирги кунда Қорақалпоғистон Республикаси маъмурий органларида самарали меҳнат қилмоқда.

Аскербай Уразбаевнинг қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашга қўшган ҳиссаси ва узоқ йиллик меҳнат фаолияти Қорақалпоғистон Республикаси ҳукумати томонидан муносиб баҳоланиб, "Қорақалпоғистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист" унвони билан тақдирланди.

Бугунги шодиёна кунда Сизга ва оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, оилавий тотувлик, хонадонингизга тинчлик-осойишталик, файзу барака тилаймиз. Айёмингиз муборак бўлсин!

**Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси ва Фахрийларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамоатчилик Маркази**

# Ғалабалар қувончи

***15 кун давомида Хитойнинг Гуанчжоу шаҳрида давом этган XVI Осиё ўйинлари якунига етди. Миллионлаб мухлислар нигоҳи қадалган мусобақаларда қитъамизнинг 45 та мамлакатидан ўн минг нафардан зиёд атлетлар спортнинг 42 тури бўйича 476 медаллар жамланмаси учун ўзаро кураш олиб бордилар.***

Фахр билан айтиш мумкинки, бу сафарги Осиё ўйинлари ўзбек спортчилари учун муваффақиятли келди. Мусобақаларда спортнинг 29 тури бўйича 224 нафар ўзбекистонлик йигит-қизлар иштирок этди.

XVI Осиё ўйинларида спортчиларимиз 11 олтин, 22 кумуш, 23 бронза, жами 56 медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 8-ўринни эгаллашди.

Ўзбекистон спорт жамоасига биринчи олтин медални дзюдо бўйича жаҳон чемпиони Ришод Собиров олиб берди. Қувонарлиси шундаки, XVI Осиё ўйинларининг дзюдо бўйича эркаклар ўртасидаги баҳсларида иштирок этган саккиз нафар спортчимизнинг барчаси совриндорлар қаторидан жой олишди.

Иккинчи олтин медални тезкор шахмат мусобақаларини мағлубиятсиз якунлаган қаҳрамон гроссмейстер Рустам Қосимжонов қўлга киритди.

Велотрек бўйича мусобақаларда зафар қозонган спортчимиз Владимир Тўйчиев навбатдаги олтин медални делегациямиз ҳисобига қўшиб қўйди.

Каноэда эшкак эшиш мусобақасида жаҳон чемпиони бўлган Вадим Меньков Осиёда ҳам тенгсиз эканини исботлади.

Спортнинг эркин кураш тури бўйича майдонга чиққан вакилимиз Дилшод Мансуров мусобақаларда Осиё ва жаҳон чемпионлари бўлган кучли рақибларини енгиб олтин медални қўлга киритишга муваффақ бўлди.

Еттикураш мусобақасида Юлия Тарасова юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қила олди. У еттикураш мусобақасида олтин, енгил атлетика, узунликка сакрашда эса бронза медалларини қўлга киритди.

Бокс бўйича жаҳон чемпионатларида юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилиб келаётган Элшод Расулов Осиё ўйинларида ҳам тенгсиз эканини исботлаб олтин медаль эгасига айланди.

Г.Кочнев ва С.Мирбековлар жуфтлиги каноэда эшкак эшишнинг иккилик баҳсларида 1000 метрлик масофани барча рақибларидан олдин кесиб ўтиб жамоамизга навбатдаги олтин медални тақдим этишди.

Мусобақаларнинг байдаркада эшкак эшиш баҳсларида 1000 метрлик масофа маррасига вакилларимиз А.Мочалов, С.Борзов, В.Горн ва А.Бобожоновлардан иборат тўртлик биринчи бўлиб етиб келиб, олтин медалга эгалик қилишди.

Яна бир олтин медални эса эркин кураш бўйича майдонга чиққан вакилимиз Артур Таймазов қўлга киритди.

Ўн биринчи олтинни эса, енгил атлетика бўйича хотин-қизлар ўртасидаги баландликка сакраш мусобақаларида ўсмирлар ўртасидаги жаҳон чемпиони Светлана Радзивил қўлга киритди. Қизиғи шундаки, спортнинг бу турида олтин медаль учун икки ҳамюртимиз баҳс олиб боришди. Якунда 195 сантиметр баландликни забт этган Светлана ғолиблик шоҳсупасига кўтарилди.

Ўзбекистон спорт делегацияси ғазнасидаги қолган кумуш ва бронза медаллар эркаклар ўртасида теннис, дзюдо, слаломда эшкак эшиш, таэквандо, оғир атлетика, бокс, спорт гимнастикаси, академик эшкак эшиш, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, эркин ва юнон-рум кураши бўйича мусобақаларда қатнашган терма жамоамиз аъзоларига тегишли бўлди.

**Кумуш медали совриндорлари**

*1. Наурзалиев Руслан, Дидрих Вячеслав — академик эшкак эшиш*
*2. Трофимова Ульяна — бадиий гимнастика*
*3. Трофимова Ульяна, Раҳматова Жамила, Санакулова Замиражон — бадиий гимнастика (жамоавий)*



*4. Борзов Сергей, Бабаджанов Алексей — байдарка ва каноэда эшкак эшиш (жамоавий)*
*5. Шубина Екатерина, Петригина Виктория, Борзова Юлия — байдарка ва каноэда эшкак эшиш (жамоавий)*
*6. Раҳмонов Ўктамжон — бокс*
*7. Атоев Аббос — бокс*
*8. Фармонов Мирзоҳид — дзюдо*
*9. Чориев Дилшод — дзюдо*
*10. Тангриев Абдулло — дзюдо*
*11. Андреев Леонид — енгил атлетика*
*12. Дусанова Надия — енгил атлетика*
*13. Хуббиева Гузель — енгил атлетика*
*14. Чашемов Мансур — оғир атлетика*
*15. Ефремов Иван — оғир атлетика*
*16. Фокин Антон — спорт гимнастикаси*
*17. Иноятов Мурад, Истомин Денис — теннис*
*18. Истомин Денис — теннис*
*19. Аманмурадова Акгуль — теннис*
*20. Сабирова Ольга, Мўминова Нафиса, Надиржанова Нодира, Ҳамроқулова Юлдуз — шахмат (жамоавий)*
*21. Қурбонов Қурбон — эркин кураш*
*22. Ким Дмитрий — таэквандо ВТФ*

**Бронза медали совриндорлари**

*1. Кудряшов Артём — академик эшкак эшиш*
*2. Михайлова Заррина — академик эшкак эшиш*
*3. Кузнецов Ефим, Тян Сергей, Муродов Ботир, Ҳамзаев Ёқуб — академик эшкак эшиш (2000 метр 4 талик)*
*4. Хамзаев Ёқуб, Тян Сергей, Кузнецов Ефим, Наурзалиев Дамир, Дидрих Александр, Муҳаммадиев Абдурасул, Усмонов Зафар, Муродов БотирКудряшов Артём — академик эшкак эшиш (жамоавий, 2000 метр 8 талик)*
*5. Мочалов Алексей — байдарка ва каноэда эшкак эшиш*
*6. Тожибаев Хуршид — бокс*
*7. Раҳмонов Санжарбек — бокс*
*8. Жўрақобилов Наврўз — дзюдо*
*9. Қурбонов Ўткир — дзюдо*
*10. Сайидов Рамзиддин — дзюдо*
*11. Тарзуманов Ринат — енгил атлетика*
*12. Хуббиева Гузель — енгил атлетика*
*13. Тарасова Юлия — енгил атлетика*
*14. Мирзаева Барно — каратэ*
*15. Зубарев Алексей — слаломда эшкак эшиш (2 талик)*
*16. Галиулина Луиза — спорт гимнастикаси*
*17. Галиулина Луиза, Сапарбаева Асаль, Каримджанова Диана, Горева Юлия, Володченко Ирина — спорт гимнастикаси (жамоавий снаряд машқлари)*
*18. Плюсова Наталья, Шеглова Анна, Плюсова Анна, Саранча Александра, Иванова Евгения, Дадабаева Диана, Духанова Елена, Майорова Ольга, Пифтор Есения, Зинурова Аделина, Халикова Рамиля, Сковнина Анастасия — сув полоси (жамоавий)*
*19. Хилько Екатерина — трамполин*
*20. Салдадзе Давид — юнон-рум кураши*
*21. Кузнецова Елена, Мамедова Сакина, Фатхи Яна — ўқ отиш (жамоавий)*
*22. Эргашев Акмал — таэквандо ВТФ*
*23. Каримова Евгения — таэквандо ВТФ*

Бемалол айтишимиз мумкинки, спортчиларимиз XVI Осиё ўйинларида муваффақиятли иштирок этиб, юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишди. Тўғри умид қилган баъзи спортчиларимиз ўзларини кўрсата олишмади. Айниқса, футбол бўйича Ўзбекистон олимпия терма жамоаси мусобақаларда кўнгилдагидек иштирок эта олишмади. Бироқ терма жамоамизни қўллаб-қувватлаш учун борган мухлисларимизнинг хатти-ҳаракатлари маҳаллий ишқибозлар ҳамда ОАВ вакилларининг алоҳида эътирофига сазовор бўлди. Хуллас, XVI Осиё ўйинлари ҳаяжонли дақиқалар ва бир олам таассуротларни тақдим этди.

Эндиги вазифа эса 2012 йил Лондонда бўлиб ўтадиган ёзги олимпиада ва паралимпия ўйинларига пухта тайёргарлик кўриш. Келгуси мусобақаларда ҳам спортчиларимиз янада юқори чўққиларни забт этишига ишонамиз.

**Б.МЎМИНЖОНОВА** тайёрлади

Huquq yuridik gazeta
Muassis: O'zbekiston Respublikasi Bosh prokuraturasi
Bosh muharrir: Jahongir MAKSUMOV
Tahrir hay'ati: Abbosxon SANGINOV, Muxtor ZOIROV, Gulnoza RAHIMOVA, Yusupboy G'OIPOV, Svetlana ORTIQOVA, Baxtiyor NAZAROV (Bosh muharrir o'rinbosari), Shavkat YODGOROV (mas'ul kotib)
Tahririyat manzili: Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 233-98-40, 233-10-53.
Faks: 233-64-85, 233-10-53.
E-mail: info@huquq-gazeta.uz
Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va egalariga qaytarilmaydi. Muallif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin. «HUQUQ» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
— tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.
Gazeta O`zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Nashr ko'rsatkichi — 231
ISSN 2010-7617
Buyurtma j-561. 19 913 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original maketi.
Sahifalovchi: S.BOBOJONOV
Navbatchi muharrir: Y.PARDA
Navbatchi: O`.DEHQONOV
Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda
Gazeta «O`zbekiston» nashriyot matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxona manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.
Bosmaxonaga topshirish vaqti: 22.00. Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9